

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 217 (11.966)

Жума, 15 сентябрь 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин

План—1 октябргача, мажбурият—17 октябргача

„Ленинград“ колхози аъзоларининг аҳди шу

Сожида пахтазорга етиб келганда тонг энди ёриша бошлаган, теримга ҳали ҳеч ким тушмаган эди.

Дугоналари теримга тушганда Сожида бир неча этакни бўшатган эди.

— Ҳорманг, Сожидахон, кўп пахта тераман деб ухламасдан чиқибсиз-да?

— 10 тонна пахта териш осон эмас-да.

— Ҳаммамиздан ўзиб кетадиган бўлдингиз.

— Ўртоқжонимиз ҳаммамиздан ўзиб кетса яхши, лекин чарчаб қолмаса бўлгани.

— Синашаверамиз, — деди Сожида этакдаги пахтани қанорга бўшатар экан, — беллашадиганлар майдонга чиқишаверсин. Кўп теришни юрагида ўти бор, серғайратга чиқарган.

Чаққон, чевар қўллар тобора тез ҳаракат қилар, чаноқлардан қамраб олинаётган пахта этакларга жойланарди. Пахтазор теримчилар билан гавжумлашиб кетди. Қизларнинг қўшиқлари янграйди. Ҳамма завқ-шавқ билан пахта теради. Асфальт ётқизилган хирмон «оқ олтин» билан тўлиб тошади. Қопланаётган пахта машина, араваларга узатилади, карвон тайёрлов пункти сари йўл олади.

Сожида Набиева ўтган йили 8 тонна пахта терди. У КПССнинг янги Программаси проектини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда сўзга чиқиб: «Мен бу йил партиямизнинг навбатдаги XXII съезди очиладиган кунгача 10 тонна пахта тераман» деди.

Кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, ҳаммадан ортиқ пахта тераётган ана шу қиз бўлаётир. Сожида кунига 195-200 килограммдан «оқ олтин» термоқда.

Коммунист Турғунпўлат Эгамбердиев бошлиқ бригадада бошқа теримчилар ҳам ана шундай юксак иш унумига эришмоқдалар. Ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 85-90 килограммдан пахта теряпти.

Шу кунларда Андижон область, Янгиқўрғон районидаги «Ленинград» колхозининг қайсибир бригадасига, қайсибир фермасига борманг қизғин иш устидан чиқасиз. Ҳамма ерда съезд тараддуди. Ўтган йилдагидек теримга районда биринчи бўлиб тушган ҳам, тайёрлов пунктига дастлабки «оқ олтин» карвонларини жўнатган ҳам шу колхоз бўлди. Колхозчилар ҳар куни Намангандаги 2-пахта тозалаш заводига 60-70 тоннадан пахта етказиб бераётирлар.

Терим суръати кундан-кунга авж олмоқда. Коммунист Абдужалил Сатторов, Турғунпўлат Эгамбердиев, Турсунбой Раҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадалар кунига давлатга йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорида пахта топширмоқда.

Қоп-қанор, этак, хирмон жойлари, транспорт воситалари ва бошқа зарур нарсаларнинг ўз вақтида шайлаб қўйилганлиги теримни уюшқоқлик билан олиб бориш имкониятини бермоқда. Бу йил 300 тонна пахта машинада терилади. 800 тонна «оқ олтин» қоп-қанорсиз ташилади. 4 прицеп ишга туширилди.

Поплик пахтакорларнинг ватанпарварлик ташаббуси колхозчилар томонидан қўллаб-қувватланди. **Колхоз аъзолари 1 октябргача планни КПССнинг навбатдаги XXII съезди очиладиган кунгача 4 минг тонна пахта сотиб, мажбуриятни тўла адо этишга аҳд қилдилар. Ҳозиргача йиллик план 40 процент бажарилди.**

— Биз, — деди колхоз раиси ўртоқ Жўра Охунов, — пахта теримига ўтган йилдагидан 10 кун илгари тушдик. Шу кунларда 1000 га яқин колхозчи пахта теряпти. Яқин кунлар ичида теримчилар бир ярим ҳиссадан зиёдроқ кўпаяди.

Партия комитети (секретари ўртоқ З. Тожибоева) теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш учун барча чораларни кўрмоқда. Илғор бригадага ҳар ўн кунда кўчма Қизил байроқ ва мукофот топширилади. **790 теримчи кўп мингкилограммчилар ҳаракатига қўшилди. 70 коммунист, 280 комсомол аъзоси этак боғлаб пахта теряпти.** Колхоз правлениеси теримчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулай шароитни яратиб бермоқда. **Мамлакатга ўтган йилдагидан 720 тонна кўп пахта етказиб берилади.**

«Ленинград» колхозининг кексаси ҳам, ёши ҳам шу кунларда съездга муносиб совға тайёрлаш иштиёқи билан яшаяпти.

С. ОТАЖОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг Намангандаги штатсиз бўлими мудири,
И. НАРЗУЛЛАЕВ,
бўлим ходими.

КОММУНИЗМ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ҚУДРАТЛИ ОДИМИ

УЛУҒ ВАТАНИМИЗДА миллионларнинг ҳаётбахш ижодий меҳнати ва яратувчилик ишлари булоқдек мавж урмоқда. Завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, шахта ва қурилишларда партиямизнинг XXII съезди шарафига кенг қулоч ёйиб кетган умумхалқ социалистик мусобақаси янгидан-янги зафарлар олиб келмоқда, ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари ва ҳаракатларини бунёдга келтирмоқда.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программалари билан қуролланган қаҳрамон совет халқи социалистик экономикамизни барқ уриб ривожлантириб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида — ижодий меҳнатда оламшумул тарихий ғалабаларни қўлга киритмоқда. Инсоният тарихида, жаҳон ишчилар ҳаракати, халқаро коммунистик ҳаракат тарихида ва бутун прогрессив инсоният ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўладиган партиямизнинг XXII съезди очиладиган кун яқинлашган сари бепоён Ватанимизнинг ҳамма томонларидан келаётган хушхабарлар барча совет кишилари қалбини бениҳоя севинч ва фахрга тўлдирмоқда. Жаҳонда энг катта энергетика гиганти бўлган Волга гидроэлектростанцияси ишга туширилди. Волгада барпо этилган бу қудратли нурхона улуғ Ленин васиятларининг муваффақиятли амалга оширилаётганлигининг ёрқин ифодаси бўлиб, бу электростанция чироқлари социалистик давлат бузилмас қудратини, халқ коммунизм сари ғолибона ва забардаст одим ташлаб бораётганлигини ифода этувчи символдир.

Жонажон Коммунистик партияга, Совет ҳукумати ва она-Ватанига битмас-туганмас меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тўлиб-тошган ўзбек халқи шонли партиямизнинг навбатдаги съездини — коммунизм қурувчилари съездини янги меҳнат зафарлари билан, муносиб туҳфалар билан нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Республикамиз саноат корхоналари, қурилишларида, колхоз ва совхозларида съезд шарафига план ва мажбуриятларни бажариш учун курашаётганлар сафи кун сайин, соат сайин ўсмоқда. Қардош Қорақалпоғистонда Ильич чироқларининг янги шуълалари порлади. Тахиатош ГРЭСининг биринчи агрегати тантанали суратда ишга туширилди. Республикамизнинг шаҳар ва районларида янги объектлар қад кўтариб, дастлабки маҳсулотларни бермоқда.

Карвонлар кетидан карвонлар келмоқда. Давлат омборлари «оқ олтин»ларга тўлмоқда. Бу йил она-Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашаётган Ўзбекистон меҳнаткашлари кенг пахтазорларда мўл ҳосил етиштирдилар. Минг-мингларча чаноқлардан қайнаб чиқиб келаётган «оқ олтин»ларни чевар қўллар, машиналар термоқда. Поп районининг пахтакорлари, Андижон областининг азаматлари ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Попликлар съезд очиладиган кунгача йиллик планни, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллик байрамигача социалистик мажбуриятни бажаришга аҳд қилдилар. Андижонлик пахтакорлар эса тарихий съездни давлатга камида 520 минг тонна пахта етказиб бериш билан кутиб олишга қарор қилдилар.

Илғор саноат корхоналарининг, поплик ва андижонлик пахтакорларнинг ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари миллионларнинг қалбида янги ҳаракатларни қўзғатиб юборди. Улардан намуна олган ишчилар, колхозчилар, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги ходимлари бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар, план ва мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдалар. Қорақалпоғистон Автоном республикаси саноат, темир йўл ва автомобиль, дарё ва ҳаво транспорти ходимлари саккиз ойлик планни ошириб бажардилар. Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Андижон областларининг кўпгина саноат корхоналари ҳам саккиз ойлик ва тўққиз ойлик планларини муддатидан олдин бажариб, навбатдаги ойлар учун маҳсулот етказиб бермоқдалар.

Съездни йиллик пахта тайёрлаш давлат планини бажариш билан кутиб олиш иштиёқида ишлаётган ва курашаётган пахтакорларимиз терим суръатини кундан-кун оширмоқдалар. Бухоро область, Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг машҳур пахта устаси Шарофат Баракаева бошлиқ бригада аъзолари дастлабки ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Теша Жумаев бошлиқ звено пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариб, 32 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача 37 центнердан ҳосил топширди. Кенг пахтазорларда зангори кемалар сузмоқда. Илғор механик-ҳайдовчилар — Турсунойлар, Мелиқўзилар ўз машиналари бункерларидан ҳар куни тонна-тонна пахта тўкмоқдалар. Мелиқўзи Умрзоқов теримнинг биринчи кунида 3 тонна биринчи сорт пахта терди. Жиззахлик механик-ҳайдовчи Ниёзмат Оқилов ҳар куни 3 тоннадан ортиқ пахта термоқда. Далаларимизда меҳнат завқ-шавқи кун сайин мавж урмоқда.

Барча имкониятлар мавжуд бўлган, ҳамма шарт-шароит яратиб берилган бир пайтда ишда сусткашлик кўрсатиб давлат планларининг бажарилишини таъминламаётган ва ўз мажбуриятларини унутиб қўяётган коллективлар ва раҳбарлар борлиги ишимизнинг салбий томонидир. Кўпгина завод ва фабрикаларнинг партия, совет ва хўжалик ташкилотлари халқимизнинг кундан-кун кучайиб бораётган ташаббуси куч ва ғайратини олдимизда турган вазифаларни бажаришга сафарбар эта олмаётирлар. Қорақалпоғистонда 75 корхонадан 21 тасининг саккиз ойлик планни бажармаганлиги, Тошкент областида 45 корхона етти ойлик планни бажармаганлиги натижасида давлатга 7 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилганлиги, Фарғона областида 41 саноат корхонаси меҳнат унумдорлигини ошириш планини уддалай олмаганлиги сингари фактлар мутлақо кечириб бўлмаслик ҳолдир.

Етти йилликнинг учинчи йили якунланишига бир неча ой қолди. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, завод, фабрика ва қурилиш раҳбарларининг энг муҳим вазифаси шундан иборатки, улар ўтган ойларда йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериб бутун куч ва имкониятларини давлат планини, социалистик мажбуриятларини бажаришга сафарбар этишлари керак. Бунинг учун илғор корхоналар ва коллективларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштириш, коммунистик меҳнат бригадалари сафини кенгайтириш, социалистик мусобақани ҳар тарафлама қизитиб, ҳар бир саноат корхонаси бригада, смена ва барча ишчиларнинг кундалик топшириқларини ошириб бажаришларига эришиш, меҳнат унумдорлигини кўтаришни таъминловчи ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ички резервлардан тўла фойдаланиш, маҳсулот таннархини камайтиришга эришиш, мамлакатга энг яхши ва юқори сифатли маҳсулот етказиб беришни таъминлаш лозим. Бу — партиямиз съездига муносиб совға бўлади.

Бутун мамлакат бўйлаб янги қудрат ва куч билан таралаётган коммунизм ижодкорларининг буюк ҳаракати Ватанимиз шон-шуҳратини оширмоқда, юртимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамламоқда. Партиямизнинг бўлажак съездини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олиш — совет кишиларининг шон-шараф ишидир. **Завод ёки колхознинг ҳар гал планини бажариши ҳам парвоз қилиш билан, келажак томон парвоз қилиш билан тенгдир**, — деган эди Н. С. Хрушчев. Тинч ижодий меҳнатимиз билан коммунизм ғалабаларини кўпайтирайлик, жонажон партиямизнинг XXII съездини коммунистик қурилиш йўлида янгидан-янги ғалабалар билан кутиб олайлик!

ТАЙЁРЛАНГАН ҲАР БИР ТОННА ПАХТА— ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА МУНОСИБ ТУҲФА

ДАСТЛАБКИ 100 МИНГ ТОННА

АНДИЖОН, 13 сентябрь. (ЎзТАГ). Андижон областининг пахтакорлари биринчи ғалабани қўлга киритдилар. Андижон далаларида етиштирилган биринчи сорт пахтанинг дастлабки 100 минг тоннаси давлат омборларига етказиб берилди.

Ленин районининг меҳнаткашлари партия XXII съезди шарафига бораётган мусобақада мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда юксак уюшқоқлик билан ишламоқдалар. Улар йиллик планнинг тўртдан бир қисмига тенг келадиган ҳосилни — 100 минг центнерга яқин пахтани тайёрлаш пунктларига жўнатдилар.

Область колхозлари ва совхозлари 20 минг тоннадан кўпроқ пахтани тайёрлаш пунктларига қоп-қанорсиз ташиб бердилар.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ТЎРТКЎЛ. «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоларидан 500 дан ортиқ киши кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилди. К. Аннекова, Н. Ражабова, С. Бозорова ва бошқа ўртоқлар кунига 150-200 килограммдан пахта теришмоқда.

Ш. ХУСНБОЕВ.

ЯНГИАРИҚ. «Партия XX съезди» колхози теримчилари ўртасида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Шу туфайли А. Машарипов, О. Сафоева, С. Отахонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда кунига 1,5-2 процент пахта тайёрланяпти.

О. ПЎЛАТОВ.

ЯККАБОҒ. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг мавсумда 10-15 тоннадан пахта теришга аҳд қилган теримчилари С. Қаҳҳорова, Т. Воҳидова, Ш. Иброҳимова, С. Шукурова ўртоқлар пахтани сортларга ажратиб теришда намуна кўрсатмоқдалар.

Г. ГЛАДКОВ.

ВОБКЕНТ. «Ленинизм» колхози пахтакорлари республиканинг 3 миллион 200 минг тоннасига 3890 тонна «оқ олтин» қўшадилар. О. Каттаев, Ғ. Файзуллаев, У. Соҳибов бошлиқ бригадалар гектаридан 40 центнердан пахта топшириш учун ҳосилни йиғиб-териб олишни кун сайин кучайтирмоқдалар.

С. ҚОДИРОВ.

ЛЕНИНГРАД. Ленин номли колхознинг бригадаларида пахта сифати учун кураш кучайтирилди. Терилган пахта асфальт хирмонларда киритилмоқда. Шу туфайли колхоз давлатга фақат юқори сифатли пахта топширмоқда.

П. МАМАДАЛИЕВ.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Хўжаобод районидаги Крупская номли колхоз аъзолари «оқ олтин» ҳосилини зўр ғайрат билан термоқдалар. Нортожи Каримова билан Муборак Орзиқулова кўпминг килограммчиларнинг олдинги сафида бормоқдалар. Улар ҳар куни хирмонга 180-200 килограммдан сифатли пахта тўкишяпти. Бу қизлар ишлаётган бригада ҳар гектаридан 30 центнердан пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятини партия XXII съезди очиладиган кунгача бажариш учун курашмоқда. СУРАТДА: Нортожи КАРИМОВА (чапда) ва Муборак ОРЗИҚУЛОВА хирмонда.

Л. Мейнерт фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ИЛҒОР КОЛХОЗДА

САРИОСИЁ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ўртоқ Қорабой Алиев раҳбарлик қилаётган Свердлов номли колхоз аъзолари андижонликлар ташаббусига қўшилиб, йиллик пахта тайёрлаш планини 17 октябрга бажаришга сўз бердилар. Азамат пахтакорлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Улар пахта териш ва давлатга топширишда районда биринчи ўринда бораётирлар. Давлат тайёрлов пунктларига ҳар куни йиллик планнинг 1,8-2 проценти миқдорида пахта етказиб беріляпти. Кўп минг килограммчилар ҳаракатига қўшилган 300 теримчининг ҳар бири кунига ўрта ҳисобда 150-160 килограммдан «оқ олтин» термоқда.

Колхозда машина теримини тезроқ бошлаб юбориш учун пухта ҳозирлик кўриляпти. 200 гектар майдондаги ғўзанинг баргини сунъий тўктириш учун самолётларда дори пуркалди. Мавсумда 150 тонна пахта териш мажбуриятини олган механик-ҳайдовчи ўртоқ Турсунов ўзининг «ХВС-1,2» маркали агрегатини пайкал четига олиб келди. У эрта-индин теримга тушади.

Қанча ПАХТА топширилди?

Ўзбекистон ССР да пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 14 сентябргача бўлган
МАЪЛУМОТ

ОБЛАСТЛАР	Пахта тайёрлаш (планга нисбатан процент ҳисобида)		пахтани қоп-қанорсиз ташиш (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Мавсум бошидан бери
Сурхондарё	1,36	16,93	7,08
Андижон	1,56	15,74	9,84
Фарғона	1,33	12,71	3,41
Хоразм	1,56	10,61	2,09
Самарқанд	1,28	10,45	4,33
Тошкент	1,07	9,68	4,69
Бухоро	1,42	9,15	2,25
Қорақалпоғистон АССР	1,22	8,45	1,93

☆ ☆ ☆

Агрономия билими республикамиз шароитида ҳар бир туп ғўзада 2-3 тадан кўсак очилган майдонлардаги ғўза баргини сунъий тўктириш учун дори пуркашга киришишни тавсия этади. Республикамиз колхоз ва совхозларида бундай майдонлар кўп. Лекин шунга қарамай дори пуркаш ва чанглаш ишлари кучайтириб юборилмаётир. Машина теримига ажратилган пахта майдонларининг энди 11 процентига дори пуркалди. Бухоро областида бу иш эндигина бошланди. Фарғона областида бор-йўғи 0,5 процент, Андижон областида 4,1 процент, Хоразм областида 6,3 процент майдондаги ғўза барги дориланди. Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент областлари ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам аҳвол яхши эмас.

Ғўза баргини сунъий тўктиришни кечиктириш ҳосилни машинада теришнинг орқага сурилишига сабаб бўлади. Ғўза барги яхши тўктирилмаган жойларда терим агрегатлари унумли ишлай олмайди. Бу ҳол машина терими планининг бажарилмай қолишига олиб келиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун ғўза баргига дори пуркашни қисқа вақт ичида тугаллаш, бу ишни юқори сифатли ўтказиш керак. Ғўза баргини дорилашда трактор пуркагичларидан ва самолётлардан тўла ва унумли фойдаланиш, трактор пуркагичларида ишлаш учун энг яхши механизаторларни ажратиш керак.

Ғўза баргини тўктириш — ҳосилни машинада теришга, терим ишларини тезлаштиришга, меҳнатни енгиллаштиришга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган жуда муҳим вазифадир. Область ва район партия ҳамда совет ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономлари дорилаш ишларининг вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлашлари лозим.

БУТУН КУЧИМИЗ, БИЛИМИМИЗ, ИЖОДИМИЗНИ КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИГА САРФЛАЙМИЗ

ФАН ВА ОЛИЙ МАКТАБ ХОДИМЛАРИ РЕСПУБЛИКА АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

<>

КПСС янги Программасининг проекти фан олдида янги кенг имкониятлар очиб берди. Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда фан олдида турган жуда катта вазифаларни шараф билан адо этиш учун илмий тадқиқот ишларининг, экономика ва маданиятнинг барча тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бериш, назария билан практиканинг боғланишидаги энг самарали формаларни танлаб олмоқ керак. Бу проблемалар фан ва олий мактаб ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашларида муҳокама қилинган эди. Фан ва олий ўқув юртлари ходимлари республика активининг кеча, 14 сентябрда Свердлов номли концерт залида бошланган йиғилиши ҳам ана шу проблемаларга бағишланган.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қисқача кириш нутқи билан очди.

Таниқли фан арбоблари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, республика планлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ташкилотларининг вакиллари президиумдан жой оладилар. СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири К. С. Кузнецова, СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси К. И. Скрябин, СССР Министрлар Совети Илмий тадқиқотларни координациялаш давлат комитети Илмий техника ахбороти ва пропагандаси бошқармасининг бошлиғи Н. Б. Арутюнов, шу комитетининг масъул ходимлари И. Г. Шевелев, Л. С. Буянов, А. И. Неверов йиғилишда қатнашмоқдалар.

Содиқ ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитетининг Президиуми гулдурос қарсаклар остида якдиллик билан йиғилиш фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. В. Стародубцев кун тартибидаги биринчи масала — КПСС янги Программаси проектида баён қилинган улуғвор планларни амалга оширишда республикадаги илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов КПСС янги Программасининг проекти талаблари асосида республика олий ўқув юртларининг ёш мутахассислар тайёрлаб чиқариш ҳамда илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришдаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент Давлат университетининг ректори О. С. Содиқов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг директори У. О. Орифов, СССР Министрлар Совети Илмий тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитети бошқармасининг бошлиғи Н. Б. Арутюнов, Тошкент фармацевтика институтининг профессори З. М. Уманский, Тошкент тўқимачилик институтининг ректори М. А. Ҳожинова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг директори Ё. Ю. Алиев, Ўрта Осиё гидрометеорология илмий тадқиқот институтининг директори М. А. Петросянц, Тошкент молия-иқтисод институтининг ректори М. М. Қориев, Тошкент медицина институтининг профессори Н. Н. Компанцев, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг ректори Ш. Ш. Абдуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг директори О. Б. Жамолов, Самарқанд университетининг проректори Р. Искандаров ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори А. П. Қаюмов нутқ сўзладилар.

Республика активининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, М. М. Мусахонов, Г. Ф. Наймушин, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат Қ. М. Муртазоев ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков қатнашмоқдалар.

Бугун, 15 сентябрда йиғилиш ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

БЕЛЬГИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВА ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ П. СПААКНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Бельгия бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри П. Спаакни Совет Иттифоқига келишга таклиф этди.

П. Спаак бу таклифни қабул қилди. П. Спаак шу йил 19 сентябрда Н. С. Хрушчев билан учрашади. (ТАСС).

Қуйи Чирчиқ районн гўшт топшириш планини бажарди

Қуйи Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиямиз XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта ютуқларга эришдилар. Район давлатга гўшт топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарди — 861 тонна гўшт етказиб берди. Райондаги ҳамма колхозлар гўшт сотиш планини тўла адо этди.

Шунингдек районда давлатга тухум сотиш плани 105 процент, жун сотиш плани 101,8 процент бажарилди. Сут сотиш плани ҳам бажарилай деб қолди.

ХЎЖАЛИКЛАРНИ КОМПЛЕКС ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРАЙЛИК

(САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

Самарқанд область партия ташкилотининг XII конференцияси улуғ айёмда — совет кишилари КПСС XXII съездига тайёргарликни авж олдирган, съездни меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган шодиёна кунларда ўтди. Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. М. Мусахоновнинг КПСС Программаси проекти ҳақидаги докладини тингладилар ва зўр активлик билан муҳокама қилдилар.

— Бу тарихий ҳужжат, — деди музокарада биринчи бўлиб сўзга чиққан Каттақўрғон райкомининг секретари Б. Раҳимов. — коммунистик жамият қурилишнинг конкрет программасидир. Бу жамият бизнинг мамлакатимизда қурилаётгани ва жаҳондаги барча халқларга йўлчи юлдуз бўлгани билан биз совет кишилари ғоят бахтиёрмиз.

Фориш районидаги Киров номли совхознинг бош чўпони Х. Исаров ҳамма чорвадорларнинг фикрини ифодалаб бундай деди:

— Партиямиз совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди, деб тантанали равишда ваъда беряпти. Биз шундай бўлишига аминмиз. Чунки партиямизнинг халқ манфаатидан бошқа манфаати йўқ. Аммо бу олий жамиятни қуриш учун ақл-идрок, куч-ғайратимизни сарф этишимиз керак.

Нотиқ 1959 йилда ўз отаридаги ҳар юз бош совлиқдан 141 тадан қўзи олганини айтади. — Бироқ, эндиликда бу рақам камлик қилиб қолди, — деди у, — мен илғор чорвадорлар методини кенг қўлланиб, ҳар юз бош совлиқдан 1961 йилда 243 тадан қўзи олдим. Совлиқлардан икки йилда уч марта қўзи олиш методини кенг қўлланмоқдаман ва 1962 йилда ҳар юз бош совлиқдан 350 бошдан қўзи олиш ниятидаман. Ҳар биримиз ўз участкамизда астойдил меҳнат қилсак, янги резервларни қидириб топиб ишга солсак, коммунизм қурилишини тезлатган бўламиз.

Пастдарғом районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Имомованинг сўзини конференция қатнашчилари зўр эътибор билан тингладилар. Бу бригада кейинги беш йилда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 17 центнер оширди.

— Бу йил гектаридан 45 центнердан пахта хирмони кўтариш ҳақида мажбурият олган эдик, — деди у, — партиямизнинг янги Программаси проектидан илҳомланиб, бу мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик ва гектаридан 50 центнердан пахта топширишга қарор қилдик. Давлатимизга «оқ олтин»ни қанча кўп етказиб берсак, коммунизмнинг моддий-техника базаси шунчалик мустаҳкамланади, Ватанимизнинг куч-қудрати шунчалик ошади.

Делегатлардан Иштихон райкомининг секретари А. Нишонов, кекса большевик А. Набиев, область партия комитетининг бюро аъзоси Н. Ҳикматуллаев, «8 Март» тикувчилик фабрикасининг ишчиси В. Корниенко ва бошқа ўртоқлар ҳам Программа проектини маъқуллаб гапирдилар.

Конференция КПСС Программаси проектини якдиллик билан маъқуллаб қарор қабул қилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — КПСС Устави проекти ҳақида доклад қилган область партия комитетининг секретари ўртоқ В. П. Виноградов партия ҳаётининг қонуни бўлган бу тарихий ҳужжатнинг оламшумул тарихий аҳамиятини кўрсатиб ўтди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Каттақўрғон ёғ комбинати партия бюросининг секретари Т. Ёрмуҳаммедов, «Даҳбет» совхози партия бюросининг секретари Ғ. Мамедов, Пастдарғом районидаги Куйбишев номли колхоз партия ташкилотининг секретари Ж. Норқулов ва бошқа ўртоқлар қатнашиб, коммунистлар Устав проектини қизиқиш билан ўрганаётганини айтиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

— Самарқанд Давлат университетининг коммунистлари КПСС Устави проектини қунт билан ўқиб, ўрганиб чиқди, — деди шу ўқув юрти партия комитетининг секретари ўртоқ Ф. Ҳайдарова. **Нотиқ Устав проектига йигирма йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришда алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган кишиларни кандидатлик муддати тўлмай туриб КПСС нинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилиш ҳақида махсус пункт киритиш масаласини қўяди. У бой тажрибага амал қилиб саноат корхоналари партия ташкилотларидагина эмас, балки қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида ҳам партиянинг штатсиз бўлимлари тузиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтади.** Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси М. Пардаева ҳам бу фикрни қувватлаб гапиради.

Қизғин муҳокамадан сўнг КПССнинг Устави проекти бир оғиздан маъқулланиб, қарор қабул қилинди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрликлари туфайли Самарқанд области республикамизнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги, экономикаси тобора юксалаётган, меҳнаткашларнинг моддий-маданий савияси ғоят тез яхшиланиб бораётган областларидан бирига айланди. Область саноат корхоналари ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажарибгина қолмасдан, пландан ташқари 28 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрлади. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш планлари бажарилди. Конференция делегатлари область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. Маҳмудовнинг обкомнинг фаолияти ҳақидаги ҳисобот докладини зўр активлик билан муҳокама қилар эканлар, ана шу ва шунга ўхшаш муваффақиятларни тилга олдилар ва йўл қўйилган камчиликларни очиб ташладилар, уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик тадбирлари ҳақида маслаҳатлар бердилар.

Область партия ташкилотлари қурувчилар орасида илғор иш методларини кенг жорий қилиш соҳасида самарали ишлар олиб бордилар, бу соҳадаги улкан вазифалар пропаганда ва агитациянинг барча форма ва методлари орқали қурувчиларнинг онгига сингдирилади. Натижада ҳисобот даврида жамоат ва уй-жой бинолари қурилишига ўтган йилларга нисбатан 28 миллион сўм кўп маблағ сарфланди, 61,3 минг квадратметр уй-жой бинолари қурилиб, меҳнаткашларга топширилди.

Областнинг шаҳар ва қишлоқларида коммунистик қурилиш вазифаларини муддатидан илгари бажаришда жонбозлик кўрсатиб ишлаётган ва яхши ютуқларга эришаётган меҳнат новаторлари етишиб чиқди. Улар ўз участкаларида бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ меҳнат қилиб, Ватан хазинасига кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўкяптилар. Уларнинг қаҳрамона меҳнати муносиб тақдирланяпти. Ҳозирдаёқ юздан ортиқ коллектив ва кўплаб ишчиларга коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори деган шарафли ном берилди, 247 коллектив шундай номга эга бўлиш учун қизғин кураш олиб боряпти.

Докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар давлат планларини бажаришга эътиборсиз қараётган, амалий иш ўрнига ваъдабозлик, сводкабозлик, мажлисбозлик, қоғозбозлик билан шуғулланаётган ва кўзбўямачиликка йўл қўяётган хўжалик ташкилотларининг раҳбарларини қаттиқ танқид қилдилар. Шуниси ачинарлики, ҳамма имкониятлар бўла туриб, ўтган йили 12 корхона, шу йилнинг 8 ойида эса 13 корхона давлат планини бажармади, оқибатда давлатга кўзда тутилгандан 2 миллион сўмлик кам маҳсулот берилди. 1, 2-механика заводлари, трикотаж, мебель фабрикалари, 17-ғишт заводлари бошқармасининг раҳбарлари ана шундай нўноқ раҳбарлар бўлиб чиқдилар. Металл идишлар заводи ва кровать фабрикасининг директорлари Григорян ва Мухторов ўртоқлар ўтган партия конференциясида айтилган танқидий мулоҳазалардан ҳали ҳам хулоса чиқариб олган эмаслар. «Кинап» заводи, пойафзал фабрикаси раҳбарлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Самарқанд — республикамизнинг йирик ва кўп тармоқли областларидан бири. Бу ерда пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпаяпти.

— Бу ютуқлар ундан ҳам каттароқ бўлар эди, — деди докладчи ва нотиқлар, — афсуски, ўтган йили Самарқанд, Каттақўрғон, Хатирчи, Норпой, Пастдарғом, Жомбой районлари, 33 колхоз ва совхоз пахта тайёрлаш планини бажармади. 20 га яқин колхоз эса гектаридан аранг 13-16 центнердан пахта ҳосили олиб, область бўйича социалистик мажбуриятнинг бажарилишига тўсқинлик қилди.

Конференцияда ана шу районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди ва улардан бу йил йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик чораларини кўриш талаб қилинди.

Конференция қатнашчиларининг диққат ва эътибори етти йиллик охиригача Мирзачўлдан 150 минг гектар янги ер ўзлаштириш, янгидан 16 пахтачилик ва 2 боғдорчилик совхози тузиш ҳақида партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларнинг қандай бажарилаётганига қаратилди. Яқин йилларда Мирзачўл ерларининг катта қисми Самарқанд областининг асосий пахтачилик ва боғдорчилик базаси бўлиб қолажаги алоҳида таъкидланиб ўтилди.

Делегатлар чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, партиявий-ташкилий, сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишларни йўлга қўйишда эришилган ютуқларни таъкидлаш билан содир бўлган камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар.

Бу йил область меҳнаткашлари олдида жуда муҳим ва шарафли вазифалар турибди. Улар давлатга 402 минг тонна пахта, 45,2 минг тонна гўшт, 61 минг тонна сут ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб беришлари керак. Делегатлар бу вазифаларни шараф билан бажариш учун ҳамма имкониятлар борлигини кўрсатиш билан область партия комитети ва область ижроия комитетидан оператив раҳбарликни кучайтиришни, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини янада оширишни талаб қилдилар.

Шуни айтиш керакки, конференция ташкилий томондан пухта тайёргарлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид остида ўтди.

— Республикамизда ягона Халқ хўжалиги кенгашининг тузилиши, — деди Самарқанд шаҳаркомининг секретари ўртоқ О. Умаров, — маҳсулот ишлаб чиқаришни планлаштиришдаги чалкашликларни тугатади, деб ўйлаган эдик. Тўғри, бу соҳада қисман силжиш бор. Аммо шунга қарамай ҳали ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. Халқ хўжалиги кенгаши шаҳардаги 2-механика заводида бу йил 330 дона сунъий ёмғир ёғдирадиган агрегат тайёрлашни планлаштирди. Шуниси қизиқки, бу агрегатлар учун деталлар Тошкентдаги трактор йиғув заводидан Самарқандга келтирилади, монтаж ишлари тамомлангач, агрегат штамповка қилиш учун яна Тошкентга жўнатилади. Орадан ойлар ўтди. Лекин шу вақтга қадар бирорта агрегат тайёрлангани йўқ. Халқ хўжалиги кенгашидаги ўртоқлар план тузганларида юқоридаги ҳолларни ҳисобга олмаганлар.

Пахтакор район партия комитетининг секретари ўртоқ У. Шоражабов бундай деди:

— Область партия комитетининг бюро аъзолари, секретарлари биздан интизомли, талабчан, жонкуяр, ташаббускор бўлишни талаб қиладилар, бу яхши, албатта. Аммо улардан айримлари бу ишда шахсан намуна кўрсатмайдилар. Масалан, область партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳамроқуловни олайлик. У киши, тез-тез районимизда бўлиб туради. Аммо у ёки бу масалани ҳал қилишда амалий ёрдам бермайди, кишилар билан қўпол муомала қилади. Ўзимизга маълум бўлган камчиликларни рўкач қилиб, танқид қилишдан нарига ўтмайди. Ўртоқ Ҳамроқуловнинг бирор колхозда доклад қилгани ёки лекция ўқиганини билмаймиз. Нотиқ планлаштиришда катта камчиликларга йўл қўяётган область планлаш комиссиясининг раиси ўртоқ Дўстмуҳаммедовнинг ярамас, бюрократик иш услубини қаттиқ танқид қилди.

49-автобаза шофёри М. Нормамедов шаҳардаги 150-қурилиш тресси қурилиш ишлари сифатини яхшилаш чорасини кўрмаётганини айтди.

— Шу трест коллективи бизга автобаза қуриб берди, — деди у, — бу воқеа ҳаммамизни қувонтирди. Бироқ, қувончимиз узоққа бормади, ҳали янги қурилган бинога кўчиб кирмай турибоқ, у қулай бошлади. Ахир, сифатсиз бино қуриб, давлатнинг маблағини талон-торож қилиш жиноят-ку!

Пойариқ район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Ҳамроқулов район меҳнаткашлари йиллик пахта тайёрлаш планини КПСС XXII съезди очилиш кунигача бажарадилар, деб конференция делегатларини ишонтирди.

Ҳисобот доклади юзасидан музокараларда суперфосфат заводининг бош инженери Қ. Камолов, Оқдарё, Пастдарғом район партия комитетларининг секретарлари М. Ҳасанова, С. Солиҳбоев, Хатирчи районидаги «Москва» колхозининг чўпони Т. Қодиров, область ижроия комитетининг раиси Ғ. Юсупов, республика Халқ хўжалиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Мирқосимов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Конференция ҳисобот доклади ва ревизия комиссиясининг доклади юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Конференцияда обкомнинг янги состави ва КПСС XXII ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездларига делегатлар сайланди.

Конференция қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрик хати қабул қилдилар.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум ўртоқ О. Маҳмудовни область партия комитетининг биринчи секретари қилиб, В. П. Виноградовни обкомнинг иккинчи секретари, П. Саидов, И. К. Титков, Г. М. Файрушин ўртоқларни обком секретарлари қилиб сайлади.

М. НАЗАРОВ,
Ю. ЮНУСОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбирлари.

ШТАТЛИ ПРОПАГАНДИСТ ХОДИМЛАР КУРСИ

КПСС Марказий Комитетининг «Пропагандист кадрларни танлаш ва тайёрлашни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги 1961 йил 5 май қарорига мувофиқ Тошкент Олий партия мактаби қошида пропагандистларнинг республикалараро бир ойлик курси ишлай бошлади.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистондаги район ва шаҳар партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг ходимлари, сиёсий маориф кабинетларининг мудирлари, инструкторлар, консультантлар, лекторлар, район, районлараро ва шаҳар газеталарининг редакторлари 1961-1962 ўқув йили давомида қайта тайёргарликдан ўтадилар.

КПССнинг янги Программаси проектида олдинга сурилган энг муҳим назарий масалалар бўйича лекциялар, семинар машғулотлари ташкил этиш, иш тажрибаларини айирбошлаш курснинг ўқув планида кўзда тутилган. Тошкент Олий партия мактабининг ва республика пойтахтидаги олий ўқув юртларининг энг яхши ўқитувчилари лекция ўқишга жалб қилинади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари идеология масалалари бўйича доклад қиладилар.

Тингловчиларни партиявий-сиёсий ва маданий-оммавий ишларнинг қўйилиши билан амалда таништириш мақсадида йирик саноат корхоналари ва қурилишларга, республика колхоз ва совхозларига экскурсиялар, Ўзбекистон фан ва санъат арбоблари билан учрашувлар уюштирилади.

(ЎзТАГ).

КПСС XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

Сурхондарё области. «Термизнефть» нефть кони бошқармасининг ишчи ва инженер-техник ходимлари слесар-электрик О. Бичуринанинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил ошиғи билан бажарибгина қолмасдан, ўртоқ Бичурина жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У кон бошқармаси партия ташкилоти секретарининг ўринбосари ва Жарқўрғон район советининг депутатидир. Илғор ишчи кечки ишчи ёшлар мактабида 10-синфда ўқимоқда. У область партия конференциясида КПСС XXII съездига вакил қилиб сайланди. Суратда: Ойша БИЧУРИНА.

А. Ким фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЕТТИ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Чирчиқ кимёгарлари техникани тараққий эттириш, иш жараёнларини такомиллаштириш учун курашни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юбордилар. Электрокимё комбинатининг ишчи ва хизматчилари рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини авж олдириб, етти йиллик фондига 3 миллион 700 минг сўм қўшишга аҳдлашдилар.

Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 755 рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари киритилди. Бу таклифлар маҳсулот ишлаб чиқаришни тезлаштириш, иш жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳаражатларни камайтиришга имкон беряпти. Ана шу таклифларнинг 575 тасини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг ўзи 300 минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаб қолишга имкон бермоқда.

Корхонада рационализаторлар сафи кун сайин кенгайиб, уларнинг активлиги ортиб бормоқда. Ҳозир кимёгарлардан 415 киши рационализаторлик ва ихтирочилик ишлари билан шуғулланаётир. Слесарлар бригадасининг бошлиғи Еникеев, аппаратчи Ишченко, инженер Далабоев ўртоқларнинг ҳар бири кейинги етти ой ичида 6-7 тадан қимматли таклифлар киритдилар.

Техникани тараққий эттирувчилар КПСС XXII съезди шарафига олган социалистик мажбуриятлари — рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш туфайли 350 минг сўм маблағни тежаб қоладилар.

Н МАТВЕЕВА,
В. ПРИШЧЕПА.

1962 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Жонажон партиямиз янги Программаси ва Устави проектларидан илҳомланган «Ферганаводстрой» трестининг 4-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи съезд олди мусобақасини кун сайин авж олдирмоқда. Етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга отланган қурувчилар 9 ойлик планни 7,5 ойда орттириб бажардилар. Йил бошидан буён 2080 квадратметр уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди, 3-4 қаватли уй-жой ва 320 ўринли мактаб биноси битай деб турибди.

Қурувчилар механизмлардан яхши фойдаланиб, биноларни тез, арзон ва сифатли қурмоқдалар. Ўтган ойда меҳнат унумдорлиги пландагидан 2,3 процент ортиқ бўлди ва 87 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Съезд олди мусобақасида старший прораб А. Богданович раҳбарлик қилаётган «Вишка» участкасининг бинокорлари олдинда бормоқдалар. Барча куч ва имкониятлардан самарали фойдаланаётган коллектив йиллик планни 25 июндаёқ орттириб бажарган эди. Участка коллективи ҳозир 1962 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. А. Козюр, С. Мадаминов ва М. Иброҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг бинокорлари ҳам мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар.

Марказий Фарғонани гуллаган воҳага айлантиришдан иборат олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшаётган бошқарма бинокорлари КПСС XXII съезди очилиши кунигача 11 ойлик планни бажариш иштиёқида меҳнат қиляптилар.

Т. МАҲМУДОВ,
М. СОЛИЕВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«СУВ МАНБАИ»

Республикамизда ер ости сувларидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида — шаҳар, район марказлари ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктлар, саноат корхоналарини сув билан таъминлашда, ерларни суғоришда, чўл-саҳроларга сув чиқаришда кенг фойдаланилмаётгани ва бу соҳага Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги министрликлари етарли эътибор бермаётгани газетамизнинг шу йил 4 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигидан шу мақола юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди: ер ости сувларидан фойдаланиш, газетада қайд қилингандек, сўзсиз катта аҳамиятга эгадир. Бироқ, мақола авторларининг республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва Сув хўжалиги министрлиги бу масалага эътибор бермаётир деган фикрига қўшилиб бўлмайди, дейилади.

Афтидан, газета танқиди Сув хўжалиги министрлигидаги айрим ўртоқларга, шахсан министр вазифасини вақтинча бажариб турган И. Газарьянцга ёқмаганга ўхшайди.

Маълумки, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ер ости сувларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорида бу соҳада катта иш программаси чизиб берилган.

Геология-қидириш ишларига илмий-текшириш ташкилотларини жалб қилиш тўғрисида ҳам кўрсатмалар берилган. Мақола авторлари ана шу битмас-туганмас сув манбаларини кўрсатганлар.

Мақолада ёзилишича, Ўзбекистон территориясидаги суғориш учун фойдаланиш мумкин бўлган ер ости сувларининг миқдори Сирдарё сувининг озайган пайтдаги миқдорига тенг келади. Бу сув билан 1 миллион гектар ерни бемалол суғориш мумкин. Бироқ ҳозиргача бу сувнинг 6 процентидангина фойдаланиляпти.

Мақола авторлари — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ғ. О. Мавлонов, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Н. А. Кенесарин ўртоқлар ана шу ер ости сув запасидан тўла ва тўғри фойдаланиш масаласини кўтариб чиққанлар ва шу тўғрида жуда қимматли маслаҳатлар берганлар.

Ҳам суғориладиган, ҳам сув танқис ерларда ер ости сувларидан фойдаланиш, биринчи навбатда пахтачиликни, шу билан бирга чорвачиликни янада тез суръатлар билан ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини очиб берган.

КПСС январь Пленуми қарорида, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқида ҳам ер ости сувларидан тўғри ва тўла фойдаланиш масаласига катта эътибор берилди. Сув хўжалиги министрлигидаги раҳбар ўртоқлар олимларнинг бу қимматли маслаҳатларига панжа орасидан қарамай, балки уларнинг илмий тадқиқотлари натижаларига амал қилишлари, фаннинг ишлаб чиқариш билан бевосита алоқасини мустаҳкамлаб, халқ хўжалиги учун зарур масалаларни олимлар билан ҳамкорликда жадал суръатлар билан ҳал қилсалар яхши бўлур эди.

МЎЙНОҚ БАЛИҚЧИЛАРИ

Мўйноқ районидаги Ворошилов номли балиқчилик колхозининг аъзолари партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Улар балиқ овлаш ишларини тезкорлик билан ташкил этиб, ойлик топшириқларни муттасил ортиғи билан бажармоқдалар.

Балиқчилар социалистик мусобақасида Ураз Махамбетов капитанлик қилаётган 523-мотофелюга коллективи аъзолари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар нуқул юқори сифатли балиқлар овлаб, кунлик топшириқларни 130-150 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Уразбой Бердулетов ва Жубатган Палуанов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган экипаж аъзолари ҳам социалистик мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар.

Х. ЖУМАШЕВ.

Ҳар тўғрида БИР ШИНГИЛ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистонлик 600 га яқин механизатор яқинда Қозоғистон ССРга жўнаб кетди. Улар қардош республика далаларида етиштирилган мўл ғалла ҳосилини йиғиб-териб давлатга топширишда амалий ёрдам берадилар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ҚЎҚОН. Шаҳарнинг «Намуна» кўчасида уч қаватли янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилган эди. 950 га яқин ўқувчи билим олаётган бу мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилпти.

Р. МАМАЖОНОВ.

УРГАНЧ. 167-қурилиш тресси бинокорлари Хоразм Давлат педагогика институти студентлари учун ажойиб совға туҳфа қилдилар. Бу ерда 200 ўринли ётоқхона қурилди.

М. СУЛТОНОВ.

МАРҒИЛОН. Табиий ва илмий билимларни пропаганда қилувчи республика музейи ходими С. Муродов ва Фарғона область музейи табиатшунослик бўлимининг илмий ходими, лектор М. Ларионов ўртоқлар районнинг Калинин номли, Охунбобоев номли, «Намуна», «Коммунизм» ва «Ўзбекистон» колхозларида бўлиб, «Ернинг ва одамнинг пайдо бўлиши» деган темада қатор лекциялар ўқидилар. Колхозчилар лекциялардан сўнг «Ҳаётнинг бошланиши ва одамнинг келиб чиқиши» номли ва бошқа хил илмий-оммабоп фильмларни томоша қилдилар.

Ш. ТОШМАТОВ.

САМАРҚАНД районидаги Энгельс номли колхознинг Асадулла Неъматов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар токзордан 170 ўрнига 250 центнердан узум топшириш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда Муяссар Шодмонова, Мадина Шавкатова, Ҳабиба Жабборова ва бошқа ўртоқлар кунига 800-1000 килограммдан узум узмоқдалар.

М. ҲАЛИМОВ.

КУЙБИШЕВ районидаги «Сўх» совхозида ҳар гектар ердан 660 центнердан маккажўхори пояси, 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 65 центнердан маккажўхори дони олинди.

У. ҲАМДАМОВ.

Нур булоғи

Тонг. Уй деразасини очдим. Салқин куз ҳавоси гуп этиб юзимга урилди. Атрофга гуллар ҳиди таралиб кетди. Стол устида турган хат яна эътиборимни тортди.

Дарвоқе, унга жавоб ёзишим керак. Қалбимга из солган туйғулар ўтини унинг ҳам қалбида ёндиришим лозим. Жавоб ёза бошладим:

«Қадрли дўстим, Навоий шаҳрига келганимни эшитиб, хурсанд бўлибсан. Ёзувчи бўлганинг учун янги нурхонамизнинг иқболи ва истиқболи сени жуда қизиқтираётгани сезилиб турибди. Албатта, командировка ол. Бу ердаги ишлар биргина очеркингга эмас, ёзсанг повесть ва роман бўлишга ҳам арзийди.

Бухоро гази эндиликда машиналар қалбига куч бериш, шаҳар ва қишлоқларни Ильич нурлари билан мунаввар қилишга ҳам хизмат қилади.

ГРЭСда бўлганимизда, бизни мовий кўзлари ёшлик латофати билан кулиб турган ёшгина жувон билан таништиришди. Исми Клавдия. Ангарадан келган. Электр пайвандчи бўлиб ишлайди.

Бу ерга ёшлар ёшлик гўзаллиги олиб келади. Ҳа, ёшлик нақадар гўзал! Уни фасллар ичида баҳорга ўхшатишади. Биласанку, баҳор қиш қўйнида ухлаб ётган далалар кипригидан уйқу қувади. Она ер устига баҳмал ёзади. Тоғда эриган қор жилғаларга айланиб, шўхликка киради. Қуруқ ёғоч танидан бўртган куртакларда барг уйғонади. Бутун табиат амал олади. Дўстим, ёшлар шижоати ҳам шунга ўхшайди. Улар қайси қурилишга бормасин, изларидан гўзаллик унади. Кимсасиз чўллар ўрнида бинолар қад кўтаради, ҳаёт гулшани яшнайди, қўш кокилдек таралган симлардан нур оқади.

Клавдия оқ сариқдан келган лўппи юзини олов тўсқичи орқасига олади-да, темирларни бирбирига улайди. Билмайдики, унинг меҳнатсевар қўллари худди шу вақт кишилар қалбини ҳам ўз қалбига улайди. У шуҳрат учун ишламаса ҳам, унинг шуҳрати бутун қурилиш бўйлаб қанот қоқади. Одамлар бажарган иш рақамларини бир-бирига таққослаганда, Клавдия Федорова бажарган иш ҳамиша ортиқроқ чиқади. Смена топшириқларини 130 процент ва ундан ҳам орттириб адо этяпти.

Клавдия кечқурунлари ўқиб, ўнинчи синфни битирди. Энди билимнинг янада юксакроқ чўққиларига интиляпти. Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлди.

Томчи сувда осмон акс этади, дейишади. ГРЭСдаги бошқа кишилар-чи? Улар ҳам Клавдиядан кам эмас. Меҳнатларини кўриб ҳузур қиласам, киши.

Атрофда ажойиб ишлар бўляпти. Янгича фазилат, янгича ном, янгича иш усуллари вужудга келмоқда.

— Етти соатлик иш олти соатда!

— Фақат аъло сифатли маҳсулот учун! — шиорлари қурилишга кенг ёйилган. Қурилишда саккиз бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олган. Аветисян, Сенчило, Ленчиков, Латипов, Шарофиддинов, Канцелаки ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар бу номни меҳнатда шараф билан оқламоқдалар. Яна 31 бригада шу ном учун курашмоқда. Клавдия аъзо бўлган Владимир Недоступа бошлиқ бригада ватанпарварлари эса қурилишдаги энг масъулиятли иш — қозон каркаси ва турбогенераторни монтаж қилишмоқда. Бу азаматларни кўрганда, жонажон Коммунистик партиямиз Программаси проектидаги сўзлар эсга тушади: «Кишиларнинг ҳаёти ва тараққиёти учун керакли нарсаларнинг ҳаммасини меҳнат яратади. Шу сабабдан ҳар бир киши ўз ҳаёти ва фаолияти учун, жамият фаровонлиги учун зарур бўлган воситаларни яратишда иштирок қилиши керак».

Навоий ГРЭСи Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши деб эълон қилинган. Қурилиш штабида кечаю-кундуз ҳаёт қайнайди. Мулойим табиатли, серҳаракат йигит Василий Бройтман ҳузурига тез-тез қурувчилар келиб туришади. Қизил сиёҳ билан ёзилган босма ҳарфлардаги «Сигнал» варақасида, уларнинг юрак сўзлари, меҳнатда қозонган зафарлари ёки талаблари ёзилган бўлади. Бройтман ҳар бир қурувчи билан эринмай сўзлашади. Объектларда юз берган камчиликларнинг дарҳол олди олинади. Ютуқлар оммалаштирилади.

ГРЭСнинг биринчи навбати КПСС XXII съезди очилиш кунигача ишга туширилади. Унинг қудратли мускуллари 25000 киловатт-соат куч билан ҳаракатга келади.

Азиз дўстим, яна кўп нарсалар ҳақида ёзиш мумкин. Лекин уларни сен ўз кўзинг билан кўришинг керак. Ҳар куни бир янгилик рўй бермоқда. Бугун бир турбогенератор монтаж қилинса, эртага яна бири тайёрланмоқда. Руҳлари тетик ва забардаст кишилар янги нурхона яратмоқдалар. Узоқ-узоқлардан бақувват кўтарма кранларнинг ҳаракатланаётгани кўриниб туради. Одамлар темир ҳавозалар устида туриб, блокларни уламоқда. Ҳар ер, ҳар ерда электр пайвандчиларнинг юлдузлари чақнайди. Буларни ўзинг келиб кўр!...».

Шу билан хатимни тамом қилдим. Конверт устига адрес ёздим. Уфқдан кўтарилган қуёш нурлари уйга кирди. Ҳовлидаги дарахт барглари орасидан ўтиб, ариқдаги сув ойнасида жимирлади. Сув бўйидаги майсалар кўм-кўк тилларини қуёшга чўзиб, нурга талпинишди. Бутун борлиқ қуёшга маҳлиё бўлди. Кўкдан сочилган нур шунчалар азиз. Ўз қўлимиз билан яратилаётган офтоблар нури-чи, ундан ҳам азиз.

М. ҚУШОҚОВ.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

СИЛОС БОСТИРИШНИ ТЕЗЛАТИНГ

Бу йил республикамиз колхоз ва совхозлари чорва молларни қишдан тўқ ва семиз олиб чиқишни кўзлаб, 5,5 миллион тонна силос бостириш мажбуриятини олганлар. Силос қанча кўп бўлса, моллар шунча семиз, сигирлар серсут бўлади. Буни яхши тушунган Тошкент областининг чорвадорлари ва маккажўхорикорлари силос бостиришни кун сайин кучайтириб, марраға яқинлашмоқдалар. Областдаги илғор районларда силос бостириш плани муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди.

Бироқ, республикада силос бостириш жуда суст бормоқда. Буни шундан ҳам аниқ кўриш мумкинки, ўтган йили 10 сентябрга қадар 3 миллион 427 минг тонна силос бостирилиб, бу соҳадаги план 88 процент бажарилган бўлса, бу йил шу вақтгача йиллик планнинг 39 проценти миқдорида силос бостирилди, холос.

Бу ишда айниқса Қорақалпоғистон Автоном республикаси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона областлари орқада қолмоқдалар. Қорақалпоғистон АССРда планга мувофиқ бу йил 405 минг тонна силос ҳозирланиши лозим. Шундан эндигина 84,8 минг тоннаси тайёрланди ва йиллик план атиги 20,9 процент бажарилди. Бухоро областида силос бостириш плани 27 процент. Самарқанд областида салкам 29 процент, Фарғона областида 31 процент бажарилди, холос.

Моллар учун энг тўйимли ва ширали озуқа — силос бостиришдаги колоқликнинг сабаби шундаки, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари маккажўхори ва оқжўхори поясини ўз вақтида, ширасининг борида ўриб олишга ва ундан силос бостиришга етарли аҳамият бермаётирлар. Кўпгина хўжаликларда маккажўхори пояси вақтида ўриб олинмай, қуритиб қўйилмоқда. Масалан, Фарғона областида етиштирилган маккажўхори ва оқжўхори поясининг ярми ҳам ўриб олинган эмас. Қорақалпоғистон АССРда эса маккажўхори майдонининг эндигина тўртдан бир қисмидаги ҳосил ўриб олинди ва траншеяларга жойлаштирилди.

Маккажўхорини сўтаси думбуллигида, поясида ширанинг мўллигида силос қилган яхши. Шундагина маккажўхори ва оқжўхоридаги озуқа моддалари яхши сақланади ва тўйимли бўлади. Район, колхоз ва совхоз раҳбарларининг вазифаси — маккажўхори ва оқжўхори экинларининг ўз вақтида ўриб олинишини ва ундан силос бостирилишини таъминлашдан иборатдир. Бу соҳада планларни ва олинган мажбуриятларни бажармай туриб, келасида чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулдорлигини ошириш тўғрисида ўйлаш мумкин эмас.

Бу йил кўпгина областларда ва районларда табиий ўтлардан силос бостиришга эътибор берилмаяпти. Шу кунга қадар ширали табиий ўтлардан бостирилган силос миқдори жуда кам. Масалан, Бухоро областида 112 минг тонна силос тайёрланган бўлса, шундан атиги 7 минг тоннаси табиий ўтлардан бостирилди. Бошқа областларда ҳам табиий ўтлардан силос бостиришга ана шундай совуққонлик билан қаралмоқда.

Силос бостириш жараёнида ҳам колхоз ва совхозлар жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Ҳар бир траншеяни бир кеча-кундуз давомида тўлдириш чоралари кўрилмаяпти. Бир траншеяга пояларни жойлаштириш ҳафталаб чўзилиб кетмоқда. Бунинг натижасида поядаги озуқа моддаларнинг анчагина қисми исроф бўляпти.

Сигирнинг серсут бўлиши, молларнинг семизлиги ем-хашакнинг, айниқса силоснинг мўл бўлишига боғлиқ. Ҳар бир хўжаликда бутун имкониятларни ишга солиб, силос бостириш планлари ва олинган мажбуриятларнинг қисқа вақт ичида тўла бажарилишига эришиш — колхоз ва совхоз раҳбарларининг, партия ташкилотларининг шу кунлардаги сира кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Шўрчи районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозининг илғор сут соғувчиси Улжамол Дўсатова ўзига бириктилган 18 бош сигирдан ҳозиргача 23 минг килограмм сут соғиб олди. Суратда: ўртоқ **ДЎСАТОВА.**

А. Ким фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

МЎЛЧИЛИК

Калинин районидаги Сталин номли колхоз аъзолари бу йил 17 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Бу юксак мажбуриятларни бажариш учун улар 230 гектар ерга эртаги ва кечки картошка, 45 гектар ерга помидор, 33 гектар майдонга қовун-тарвуз ва бошқа экинлар экдилар.

Колхозчилар экинларни яхши парвариш қилиб, кўзда тутилган ҳосилни етиштирдилар. Колхоз далаларидаги ширин-шакар қовунлар, қучоққа сиғмас тарвузлар, тилларанг узумлар, шига-шиға помидор, кўм-кўк палаклар орасидаги яшил бодиринглар кишини қувонтиради.

Картошка — колхознинг асосий экинларидан бири. 185 гектар ердаги кечки картошка яхши парвариш қилинаётгани туфайли, ҳосилнинг мўллиги кўриниб қолди. Колхоз аъзолари ҳар гектаридан пландаги 17 ўрнига 20 тоннадан картошка ҳосили олишни мўлжаллаётгани бечиз эмас. 35 гектар эртаги картошканинг ҳар гектаридан 18 тоннага етказиб ҳосил олган бу азаматлар бу сафар ҳам ўз ваъдаларининг устидан чиқадилар.

Ҳозир колхозчилар 3 минг тонна сабзавот, мева йиғиб олиб давлатга сотдилар.

Сабзавотчилар ҳар гектар ердан 26 тоннадан помидор, 6 тоннадан узум, 20 тоннадан қовун йиғиб олдилар. Шундай бўлса ҳам ҳали далада ҳосил жуда кўп. Колхозчилар бу экинлардан яна 8-10 тоннадан ҳосил йиғиб олишни кўзлаб турибдилар.

Колхознинг 128 гектар токзорида ҳосил айниқса мўл. Миришкор боғбонлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, аввалги 10 тонна ўрнига гектаридан 12 тоннадан узум топшириш мажбуриятини олдилар.

Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати билан мўл ҳосил ўз вақтида шаҳарликларга жўнатиб турилибди. Шаҳарликлар дастурхонини ширин-шакар меваларга сероб қилишда Сталин номли колхоз аъзолари катта ҳисса қўшмоқдалар. Бунда коммунист М. Маҳмудов, А. Иноятов, С. Ҳикматов, Т. Эргашев ва комсомол Н. Юнусов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзоларининг улуши айниқса катта.

Колхоз келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирданоқ пухта замин тайёрламоқда. Механизаторлар эртаги экинлардан, маккажўхоридан бўшаган ерларни шудгорлашга киришдилар. Яхши ҳайдалиб тайёрланган ерларга эрта кузги пиёз экилмоқда. Бу ишда И. Расулев, Н. Эргашев, О. Отажонов каби механизаторлар намуна кўрсатмоқдалар.

Ю. ЗИЁДОВ.

Колхозчиларга қулайлик

Сурхондарё область, Шаҳрисабз район матлубот жамияти қишлоқда савдо-сотиқни кучайтирди. Чоршанба сельпосида 2 доимий ва 8 кўчма, Октябрь сельпосида эса 7 кўчма магазин ва бир автолавка ташкил этилди. Колхозларнинг дала шийпонларида сотувчисиз 40 дўкон очилди.

Шунингдек, Карл Маркс номли, «Правда», Энгельс номли, Куйбишев номли колхозларда қурилган овқатланиш корхоналари ва новвойхоналар аҳолига яхши хизмат қиляпти.

С. РУСТАМОВ.

КУБАЛИК МЕҲМОНЛАР ЛЕНИНГРАДДА

ЛЕНИНГРАД, 13 сентябрь. (ТАСС). Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортикос Торрадо ва унинг ҳамроҳлари бугун эрталаб махсус поездда Москвадан Ленинградга келдилар. Минг-минглаб ленинградликлар қизил транспарантлар билан безатилган кўча ва майдонларга чиқдилар. Бу транспарантларга Куба халқига салом сўзлари, тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун биргаликда кураш олиб бораётган совет ва куба халқлари дўстлиги шарафига табрик сўзлари ёзилган эди.

Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва илмий муассасаларда ишлаётган кишиларнинг неча юзлаб вакиллари Москва вокзалига тўпландилар. Азиз меҳмон келиши шарафига фахрий қоровул саф тортди ва Куба Республикаси ҳамда Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов Куба Республикасининг президентини самимий табриклади. Доктор Освальдо Дортикос жавоб нутқи сўзлади.

Кубалик меҳмонлар бугун металл заводида бўлиб, ишчилар ва инженерлар билан суҳбатлашдилар, Волга гидроэлектростанцияси ва мамлакатдаги бошқа гидроэлектростанциялар учун турбиналар қандай ишлаб чиқарилаётганлиги билан танишдилар.

Освальдо Дортикос ҳурматли меҳмонлар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Мен бу ажойиб заводга келиб, катта тажриба ҳосил қилдим. Бу завод Совет Иттифоқидаги фан ва техника тараққиётининг жонли тимсолидир. Сизнинг заводингиз ишчиларнинг юксак малакасини ва сиёсий онги ғоят ўсганлигини намоён қилади. Бу завод социалистик меҳнат намунаси бўлиб, Совет мамлакати коммунистик жамиятга тезроқ ўтиш учун жуда катта имкониятларга эга эканлигини ҳам кўрсатади».

Кубалик меҳмонлар шаҳар бўйлаб саёҳат қилдилар. Улар Смольнийга ва «Аврора» крейсерига бордилар. Меҳмонлар бу ерда корабль командаси ва Қишлик сарой штурми қатнашчилари билан бирга суратга тушдилар. О. Дортикос ва унинг ҳамроҳлари эрмитажни ва никоҳ қайд қилинадиган саройни ҳам бориб кўрдилар.

Кечқурун Ленинград шаҳар Совети ижроия комитети Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортикос шарафига зиёфат берди.

* * *

ЛЕНИНГРАД, 14 сентябрь. (ТАСС). Мамлакат бўйлаб саёҳат қилаётган Куба Республикасининг Президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадо ва унинг ҳамроҳлари бугун Ленинграддан Сталинградга жўнаб кетди.

Куба Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган аэропортда ҳурматли меҳмон тантанали суратда узатиб қўйилди.

Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов ва доктор Освальдо Дортикос нутқ сўзладилар.

Ҳар товуқдан 122 тухум

ҚИЗИЛТЕПА, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Зармотан қишлоғи Зарафшон қирғоқларига жойлашган. Сталин номли колхоз правлениеси ўтган йили дарё бўйида паррандачилик фермаси ташкил этди.

Колхоз паррандачилик фермаси биринчи йилиёқ яхши натижага эришди. Товуқ ва сув паррандалари анча кўпайди. Тухум кўпайди. Бу йил ғоз ва ўрдаклардан ташқари 1000 ўрнига 1370 товуқ боқилмоқда. Паррандачилик ишини яхши биладиган Раҳмон Қурбонов шу йилнинг саккиз ойида ҳар бир товуқдан 122 тадан тухум олди. У йил охиригача буни 160 тага етказиш учун курашмоқда. Тажрибакор товуқбоқар ташаббуси билан колхоз тухум етиштириш йиллик планини олти ойда тўла бажарди. Ҳозиргача пландаги 60 минг ўрнига 102 минг дона тухум етиштирилди. Давлатга тухум сотиш плани 170 процент адо этилди.

Қизилтепа районидаги «Москва» колхози ҳам Зарафшон қирғоқларида товуқ фермаси ташкил этиб, кўплаб тухум ва парранда гўшти етиштирмоқда. Бу колхоз тухум тайёрлаш йиллик планини 150 процент бажарди.

Филармония солистлари ва корейс санъаткорлари концерти

Республика колхоз ва совхозлари бўйлаб ижодий гастролга чиққан Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Ғулом Абдураҳмонов бошчилигидаги бир группа санъаткорлар яқинда Хоразм области районларида бўлиб, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатдилар. Пойтахт артистлари областнинг Хева, Янгиариқ, Урганч, Қўшкўпир ва бошқа районлари марказларида ўндан ортиқ концерт қўйишди. Ўзбекистон давлат филармонияси солистларининг концертларини ҳамма жойда мамнуният билан кутиб олдилар.

Шунингдек, Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная Звезда» колхозининг корейс халқ театри ижодий коллективи ҳам хоразмлик томошабинларда унутилмас таассуротлар қолдирди. Бош режиссёр Цой Гир Чун раҳбарлигидаги колхоз халқ театри санъаткорлари қисқа вақт ичида областнинг Гурлан районидаги Сталин номли, «Москва» ва «Коммуна» колхозларида, район маркази ҳамда Урганч шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида бир қанча концерт ва инценировкалар намойиш этдилар. Театр репертуарида «Полярная Звезда» колхози ўқитувчиси Цой Дон Черининг икки ошиқ севгисига бағишланган «Риранг ва Сенбу» спектакли, қишлоқ хўжалик артели темасига бағишланган интермедия ҳамда рус, ўзбек, хитой, корейс ва бошқа халқларнинг ашула ва рақслари бор.

Республикада ягона корейс халқ колхоз театри санъаткорларининг концертлари катта муваффақият қозонмоқда.

Колхоз театри артистлари Қорақалпоғистон АССР нинг Хўжайли, Нукус, Чимбой ва Қўнғирот районлари колхозларида ҳам ўз талант ва маҳоратларини намойиш қиладилар.

Д. МАТЖОНОВ,
Э. МАДРАҲИМОВ.

КРИЗИС ЗИЛЗИЛАСИ

Ҳозирги давр Маркс, Энгельс ва Ленинниг доҳиёна башоратлари ҳайратда қоларли даражада ҳақиқатга айланаётган даврдир. Бу даврда марксизм-ленинизмнинг ўлмас таълимоти мислсиз ғалабага эришди. Инсониятга энг гўзал ҳаёт йўлини машъал сингари ёритиб турган бу таълимот бутун прогрессив инсоният томонидан зўр хайрихоҳлик билан кутиб олинган энг муқаддас ҳужжат — КПСС Программаси проектида ҳар томонлама бойитилган ва ижодий ривожлантирилган. Бу ҳужжатда биз яшаётган даврнинг жуда мукаммал таърифи баён этилган.

Ҳозирги замоннинг энг буюк, энг олижаноб бу ҳужжатида тарихий тараққиётнинг улуғ Ленин олдиндан кўрсатиб берганидек, мисли кўрилмаган тез суръатлар билан олға томон қадам ташлаётган даврига, яъни социалистик система жаҳоншумул ғалабаларга эришаётган даврга кирганлиги, империализм эса сўниш ва ҳалок бўлиш даврига кирганлиги илмий асосда чуқур таҳлил қилиб берилган.

Социализм инсониятга бахт-саодат бахш этмоқда. Жаҳон социалистик системасининг ва жаҳон капиталистик системасининг тараққиёти **бир-бирига мутлақо қарама-қарши қонунлар асосида содир бўлмоқда.** Агар жаҳон капиталистик системаси шу системани ташкил қилган давлатлар ўртасидаги шиддатли курашда, кучсиз мамлакатларнинг кучли мамлакатлар томонидан бўйсиндирилиб олиниши ва эксплуатация қилиниши йўли билан, юз миллионларча кишиларни асоратга солиш ва бутун-бутун қитъаларни империалистик метрополияларнинг мустамлака қўшоғига айлантириш йўли билан таркиб топган ва ривожланган бўлса, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши ва ривожланиш процесси суверенлик, тўла ихтиёрийлик асосида ва шу системадаги барча давлатлар меҳнаткашларининг туб ҳаётий манфаатларига мувофиқ ҳолда содир бўлмоқда.

Социалистик системадаги мамлакатлар тараққиётида ҳеч қандай ғов йўқ, халқлар дўстлиги, интернационализм байроғи остида тўхтовсиз тез суръатлар билан янгидан-янги ғалабалар сари ҳаракат қилиш шу системадаги мамлакатларнинг энг характерли хусусиятидир. Капитализм дунёсида эса тамоман бошқача манзарани кўрамиз. Капитализм ва унинг сўнгги босқичи империализм батамом таназзулга юз тутди. **Социализм билан иқтисодий мусобақада империализмнинг позицияси тобора заифлашмоқда, унинг мустамлакачилик системаси барбод бўлди. Давлат монополистик капитализмининг ривожланиши, милитаризмнинг ўсиши империализм зиддиятларини ниҳоятда кескинлаштирмоқда. Ишлаб чиқаришнинг паст суръатлар билан ўсиши, турғунлик ёки орқага қараб кетиш, даврий кризислар, доимий ишсизлик** империализмнинг доимий йўлдоши бўлиб қолди.

Меҳнат билан капитал ўртасидаги аянчли ихтилофлар, ҳамма соҳаларда сиёсий реакциянинг мислсиз кучайиши, бир қатор мамлакатларда буржуа эркинликларидан қайтилиши ва фашист, мустабид режимлар ўрнатилиши, буржуазия сиёсати ҳамда идеологиясининг чуқур кризиси империализмнинг муқаррар ҳалокати тобора яқинлашиб келаётганлигининг яққол нишоналаридир.

Ана шу аччиқ ҳақиқатларда **капитализмнинг умумий кризиси ўз тараққиётида янги босқич бошланганлигини ифодалайди.** Бу кризиснинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу кризис жаҳон уруши муносабати билан эмас, балки икки система ўртасида бораётган иқтисодий мусобақа ва кураш вазиятида, кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгараётган, тинчликсевар кучларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати ғалабасини таъминлаш учун олиб бораётган муваффақиятли кураши империалистларга ўз агрессив ҳаракатлари билан ялпи тинчликни барбод этишга йўл қўймаётган бир шароитда вужудга келди. Империализмнинг барча қарама-қаршиликларининг кескинлашиши, кенг халқ оммасининг демократия, миллий озодлик ва социализм ғалабаси йўлида олиб бораётган мардонавор курашининг тобора авж олиши кризис зилзиласини кучайтирмоқда.

Даҳшатли иқтисодий кризислар, сиёсий ларзалар монополистик капитализмнинг давлат монополистик капитализмига айланишини тезлаштирди.

КПСС Программаси проектида **империализмнинг иқтисодий маркази, сўнгра эса сиёсий ва ҳарбий маркази Европадан АҚШга кўчганлиги таъкидланган.** Ҳарбий фойдалар ва зўр бериб қуролланиш орқали бойиб кетган Америка монополистик капитали асосий хом ашё манбаларини, бозорларни ва капитал солиш доираларини тортиб олди, хуфия мустамлака империясини вужудга келтирди, энг йирик жаҳон эксплуататорига айланди. Америка империализми сохта озодлик ва демократия байроғи остида яшириниб, реакцион диктаторлик режимларини, чирик монархияларни қўллаб-қувватлаб, демократик, революцион ўзгаришларга қарши чиқиб, ўз мустақиллиги учун курашаётган халқларга қарши агрессия бошлаб, амалда жаҳон жандарми ролини бажармоқда.

Халқаро реакциянинг асосий таянчи бўлган Америка монополистик буржуазияси капитализмни «қутқариш» ролини ўз зиммасига олди. Американинг молия магнатлари империалистларнинг «муқаддас» иттифоқларини, агрессия ва ҳарбий блоклар тузмоқдалар. Лекин ҳаёт Америка империализмининг жаҳонга ҳоким бўлиш йўлидаги «умидини» батамом чипакка чиқарди. Эндиликда Америка ўз тараққиётининг юқори чўққисидан ўтиб, тушкунлик босқичига юз тутди. Одам учун ёв бўлган капитал дунёсининг ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий, ҳам идеологик ҳомийси бўлган Америка империализмининг аҳволи эндиликда айниқса танг бўлиб қолди. Бу танглик долларпараст иблисларни қабиҳ найранглар тарқатиб, шу йўсинда оддий меҳнаткашларни алдашга, уларга чап беришга мажбур этаяпти.

Даҳшатли Америка пропагандаси олдида малъун Гитлер юритган пропаганда ҳатто ип эшолмай қолди. Американи ички зиддиятлар уясига айлантирган монополизм ҳомийлари оддий халққа ўзларини «авлиё» қилиб кўрсатиб, халқ бахтига хиёнат қилишни тобора авж олдирмоқдалар. Бойишга ҳирс қўйган мунофиқлар пропагандасининг мақсади нима? Мақсад — империализмни ҳалокатдан қутқариб қолиш, бунинг учун эса «совуқ уруш» очиш, инсониятни ҳалокатга маҳкум этиб, капитал тўплаш. Англияда ҳам, Францияда ҳам, Ғарбий Германияда ҳам ҳаққоният душманлари бўлган йирик монополистлар капитал йиғиш билан овора. Уларни инсон тақдири, халқ бахт-саодати асло қизиқтирмайди.

Адолат ва ҳаққоният тўлқини ичида эсанкираб қолган империалистлар ўз пропагандаларида «традицион капитализм»ни ҳимоя қилишга ожизлик қилиб, уни ниқоблаш кўчасига тушиб олганлар. Тарих олдида шармандаю шармисор бўлган Америка монополистлари империализм «традицион» капитализмдан фарқ қилади, яъни Америка капитализми бундан ўн йилларча илгари капитализм билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб даъво қилмоқдалар. Гапга қаранг: «Америка йўли» инсоният учун бахт-саодат келтириш намунаси эмиш. «Халқ капитализми» ва «Чекланмаган Америка» сингари том-том китобларда, Америка матбуотида ана шу ғайри-инсоний идея тўғрисида куну тун маддоҳлик қилинади.

Ўтакетган чиранчиқ алчоқлар «муқаддас» тузумининг афт-ангорига назар ташланса, Морган, Рокфеллер, Дюпон, Меллон, Форд сингари бир ҳовуч тожсиз қироллар капиталистик дунёнинг лидери ҳисобланган Американинг бутун экономикасига ҳокимлик қилаётганликлари яққол кўринади. Монополия малайлари ана шу группаларнинггина манфаатларини ҳимоя қилиб, тинч-тотув яшаш хаёлий бир нарса деб фарёд солмоқдалар.

Америка капиталининг хўжайинлари 8 та энг йирик монополистик группадир. Мамлакат молия олегархиясининг ўзагини ташкил этувчи бу группалар иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда ниҳоятда илдиз отиб кетди. Америкадаги бутун саноат ишлаб чиқариш қувватининг 60 процентини, ҳарбий корхоналарнинг 80 процентини, металлургия заводларининг 70 процентини, автомобиль корхоналарининг 96 процентини, кимё саноатининг 56 процентини шулар назорат қилмоқда. Мана, америкача «халқчиллик», халқ мулки деб айтилаётган бойликлар кимларнинг қўлида!

Рокфеллер оиласи хўжайинлик қилаётган капиталистик дунёдаги энг йирик нефть компанияси «Стандарт Ойл компани» («Нью-Жерси») қарийб 9 миллиард доллар капиталга эга. Бундан бир неча йил илгари бу компанияга қарашли корхоналарда 155 минг киши Рокфеллер оиласининг «шахсий мулки» сифатида ишлаб, бу компания 805 миллион доллар соф фойда олди. Морганлар оиласига қарашли энг йирик пўлат трести «Юнайтед Стейст стил корпорейшн»да 270 минг киши ишлаб, трест 419 миллион доллар соф фойдага эга бўлди. Американинг қора металлургия саноати ҳам ана шундай миллиардерларнинг қонли исканжасида.

Энг кекса нефть трести «Стандарт Ойл» ўнларча мамлакатнинг қора олтинига хўжайинлик қилади. Автомобиль саноатида эса уч фирма: «Женерал моторс», «Форд», «Крайслер» фирмалари асосий ҳоким Электр саноатининг кузорлари—«Женерал электрик», «Вестингауз» фирмаларидир.

Америка синфсиз жамият бўлиб қолди деган қуруқ сафсаталар накадар асоссиз эканлигини фош этувчи бундай аянчли фактлар тўлиб-тошиб ётибди.

Ҳозирги вақтда Америкадаги 500 та йирик компаниянинг маблағи 150 миллиард доллардан ҳам ошиб кетган. Мамлакат саноати маҳсулотининг кенг ярмини шулар ишлаб чиқаради ва фойданинг қарийб 70 проценти шулар томонидан ўзлаштирилади. Шу компанияларда қарийб 9 миллион ишчи жуда оғир шароитда 10-12 соатлаб ишласа-да, ҳолвани ҳоким ейди, калтакни етим ейди, деганларидек булар ночор аҳволда яшайдилар. Мана, империализмнинг халққа кўрсатаётган «марҳамати», 5 миллионга яқин кишининг ишсизликда дайдиб юриши Америка учун миллий фалокатдир.

Америка профессори Уильям Дюбуа ўз ватанидаги аҳволни изоҳлаб бундай дейди: «Бизнинг ҳамма планларимиз уруш қилмоқ учун тузилди. Гап шундаки, Қўшма Штатларда энди демократия қолмади. Бизни бойлик ва ҳокимият билан қуролланган озчилик идора қилиб турибди. Биз бу зўравонликка қарши курашмоғимиз лозим... Ҳали умидини йўқотмаган ва Америкага ҳали ҳам ишониб турган кишилар учун проблема мана шу». Дюбуа Америка халқига мурожаат қилиб, корпорацияларни жиловлаб, халқ мулкига айлантириш учун курашга чақиради.

Американинг кўзга кўринган жамоат арбоби Сайрус Итон «Ҳозирги вақтда жаҳонда қуролланишга юз миллиард доллардан ортиқ маблағ сарф этилмоқда. Бахтга қарши шуни қўшимча қилишим керакки, ана шу сумманинг деярли ярмини менинг мамлакатим сарфламоқда. Американинг баъзи арбоблари қурол ишлаб чиқаришга ажратилаётган йиллик маблағни яна 20 процент кўпайтиришни талаб қилмоқдалар . Қуролланишга маблағ ажратишнинг ошиб бориши натижасида инфляция ва солиқларнинг ўсиши Америка халқининг аҳволини оғирлаштирмоқда» дейди. Яқинда Америка президенти Кеннеди ҳарбий бюджетни ошириш учун интилаётгани матбуотда эълон қилинди. Бу разиллик эмасми!

Мана, халқчиллик ниқобига бурканиб олиб, мамлакатни чуқур зиддиятлар уясига айлантирган, тинч дунёни даҳшатли уруш гирдобига тортишга зўр бериб кучанаётган империалистларнинг байроқдори Америка монополистик капитализмининг ҳақиқий башараси!

«Биз, — дейди Н. С. Хрушчев, — тинчлик сиёсатини ўтказиб келдик ва бу сиёсатни оғишмай ўтказаверамиз, уруш бошлашга интилаётган агрессив кучларга зўр бериб қарши чиқмоқдамиз. Тинчликсеварлик сиёсати давлатимизнинг, ижтимоий тузумимизнинг моҳиятидан келиб чиқаётган сиёсатдир. Бундай сиёсат жаҳондаги ҳамма халқларнинг ҳам, бизнинг халқимизнинг ҳам ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Лекин уруш қуролини ясашни давом эттираётган кучлар ҳарбий можарони авж олдириб юборсалар — урушни эса фақат империалистлар, антикоммунистлар, мустамлакачилар (буларнинг ҳаммаси бир гўр) бошлашлари мумкин — уларнинг ўзлари шу урушда ҳалок бўладилар».

Ҳаёт Америка империализмининг жаҳонга ҳоким бўлиш йўлида қилаётган даъволари батамом асоссиз эканлигини кўрсатиб бермоқда. Эндиликда империализм социалистик ва миллий-озодлик революцияларининг йўлини тўсишга ожизлик қилади. Америка империализмининг атом қуролини монополия қилиш соҳасидаги мўлжаллари тамомила чипакка чиқди. АҚШ монополиялари капиталистик дунёда асосий иқтисодий, молиявий ва ҳарбий куч бўлиб келаётганликларига қарамай, капиталистик дунё экономикасидаги илгариги салмоғини сақлаб қолишга ожизлик қилиб қолди. Буюк Британия, Франция, Ғарбий Германия ва Япония сингари империалистик давлатлар ҳам ўзларининг илгариги қудратларидан маҳрум бўлдилар.

Бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига тиш-тирноғи билан душман бўлган ҳозирги замон капитализми, империализм системаси чуқур ва кескин зиддиятлар натижасида емирилмоқда. Социалистик системанинг тобора гуллаб-яшнаши, миллий-озодлик ҳаракати тўлқинларининг тобора кучайиши, империалистик мамлакатлардаги аянчли ички ихтилофлар империализм заминини бўшаштирмоқда ва ҳалокат ёқасига тобора яқинлаштирмоқда. Империализмнинг сўниш ва ҳалок бўлиши муқаррар эканлигини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

АРЗОН ПАРРАНДА ГЎШТИ

НУКУС, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Тўрткўл районидаги колхозлараро паррандачилик фабрикаси коллективи КПСС XXII съездини меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олаётир.

Фабрикада дастлабки даврда 4 мингдан ортиқ парранда бор эди. Бу янги хўжалик тез вақт ичида ўзининг афзаллигини кўрсатди. Бу йил фабрикадаги паррандалар сони 95 мингга етказилди.

Фабрикада парранда гўшти арзон етиштирилмоқда. Ўтган йили атиги 3 тонна парранда гўшти етиштирилган бўлса, шу йилнинг 7 ойида 7,5 тонна етиштирилди. Етиштирилган гўштнинг таннархи бир йилда 25 процент камайди.

Ўзбекистон рангли металлургиясининг маркази Олмалиқ шаҳрида мис саралаш фабрикаси қурилмоқда. Яқинда бу корхонанинг биринчи навбати тўла қувват билан ишлай бошлади. Фабрика тўла қуриб битказилгач, республикамиз рангли металлургия саноатининг етакчи корхоналаридан бири бўлиб қолади. Суратда: фабриканинг флотация бўлими.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

НАМУНАЛИ ҲИЗМАТ

Охунбобоев район маданият бўлими пахта йиғим-терими қизғин авж олдирилаётган шу долзарб кунларда колхозчиларга кино хизмати кўрсатишни намунали ва планли ташкил этди. Кейинги ўн кунликда райондаги Сталин номли, Карл Маркс номли, «Москва» ва бошқа хўжаликларда «Кўрўғли» «Номаълум аёл», «Биз Кранштадтданмиз», «Халат кийган аёл», «Дунёнинг яратилиши» сингари бир қанча кино фильмлар намойиш қилинди.

А. ТУХТАСИНОВ.

«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг аъзоси.

Социалистик Чирчиқнинг қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Шаҳарда янги уй-жой бинолари қад кўтармоқда, янги кўчалар очилиб, гўзал боғлар ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Сиз кўриб турган суратни фото мухбиримиз И. Глауберзон олган.

Оламда нима гап

НЕРУ СЎЗИ

ДЕҲЛИ, 13 сентябрь. (ТАСС). Матбуот хабар беради: Ҳиндистон бош министри Неру кеча Ҳиндистон миллий конгресси партияси парламент фракциясининг ёпиқ мажлисида нутқ сўзлади. Неру Москва ва Тошкентга қилган сафари. Белград сафари тўғрисида сўзлаб берди, шунингдек Германия масаласи ва Ғарбий Берлин тўғрисидаги масалага, ядро синовлари тўғрисидаги масалага ва ҳозирги халқаро аҳволнинг бошқа проблемаларига тўхталиб ўтди.

Хабар беришларича, Неру Ғарбий Берлин проблемасига тўхталиб, бундай деган: Ғарбий Берлин проблемасини ҳал этишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш мумкин. Берлин, деди Неру, Шарқий Германиянинг марказида жойлашган ва Шарқий Германия билан дипломатия муносабатлари бўлмаганида ҳам ана шу географик фактор билан ҳисоблашмоқ керак. Ана шу проблемаларнинг ҳаммасини узил-кесил ҳал этиш кенг миқёсда қуролсизланиш билан боғланган бўлса ҳам, Ғарбий Берлин тўғрисидаги масалани ҳал этиш мумкин.

Неру Германия Демократик Республикасини таниш Европадаги ва бошқа жойлардаги қийинчиликларнинг кўпини бартараф қилишга ёрдам бера олган бўлур эди, деди.

Хабар беришларича, бош министр қуйидагиларни айтган: иккинчи жаҳон урушидан кейин Одер-Нейсе бўйлаб ўтган чегарани урушда ғалаба қозониш натижасидагина ўзгартириш мумкин, аммо уруш масалани ҳал этадиган восита эмас. Шу сабабли, чегара тўғрисидаги масала шартнома асосида ҳал этилиши лозим.

Совет Иттифоқининг ядро синовлари ўтказиш тўғрисидаги қарорига тўхталиб, Неру Н. С. Хрушчевнинг СССР шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлди, деган сўзларини такрорлади.

Неру Белград конференцияси тўғрисида гапириб берди ва бу конференция муваффақиятли ўтди, деб таъкидлади.

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУДАПЕШТ, 14 сентябрь. (ТАСС). Венгрия телеграф агентлиги хабар беради: 12 сентябрда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар пленумда баъзи халқаро масалалар тўғрисида ва яқинда Венгрияга келиб кетган Румыния партия-ҳукумат делегацияси билан олиб борилган самарали музокаралар тўғрисида ахборот берди. Марказий Комитет бу ахборотни якдиллик билан маъқуллади.

Марказий Комитет секретари Йене Фок ўз докладида иккинчи беш йиллик планнинг асосий мўлжалларини баён қилиб берди.

Дьердь Марошан партиянинг собиқ аъзолари ишлари билан шуғулланувчи комитетнинг иши тўғрисидаги докладни тақдим этди.

Янош Кадар Марказий Комитет сиёсий бюросининг топшириғига мувофиқ, баъзи ташкилий масалаларни ҳал этишни таклиф қилди. Бу тадбир партия ва давлат раҳбарлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим. Марказий Комитет бу таклифларни якдиллик билан қабул қилди.

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

БУДАПЕШТ, 14 сентябрь. (ТАСС). Венгрия телеграф агентлиги хабар беради: Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Ватан халқ фронти Умумвенгрия кенгашининг биргаликда қилган таклифига мувофиқ, Венгрия Халқ Республикаси президиуми Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ференц Мюнних-ни, давлат министри Янош Кадарни, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Дьюла Каллаи ва Антал Апрони, ички ишлар министри Бела Бискуни, давлат план бошқармасининг раиси Арпад Кишшни, ташқи ишлар министри Эндре Шикни ва маданият министри Валерий Бенкени ўз вазифаларидан озод қилди.

Венгрия Халқ Республикасининг президиуми Янош Кадарни Министрлар Советининг раиси, Ференц Мюннихни давлат министри қилиб, Антал Апро, Бела Биску, Йене Фок ва Дьюла Каллаини Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари қилиб, Янош Паппни ички ишлар министри, Янош Петерни ташқи ишлар министри, Миклош Айтаини давлат план бошқармасининг раиси, Пал Илкуни маданият министри, Арпад Кишшни техника тараққиёти комитетининг раиси қилиб тайинлади.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

ПРАГА, 13 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Советининг Чехословакияда меҳмон бўлиб турган В. В. Гришин бошчилигидаги делегацияси бугун Братиславага келди. Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, Братислава меҳнаткашлари азиз меҳмонларни қардошларча самимият билан кутиб олганлар.

КОРЕЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИНИНГ 4- СЪЕЗДИДА

ПХЕНЬЯН, 13 сентябрь. (ТАСС). Бугун съезд мандат комиссиясининг докладини якдиллик билан маъқуллади.

Кечқурунги мажлисда Вьетнам Демократик Республикаси, Венгрия, Чехословакия ва Польша қардош партияларининг вакиллари, шунингдек Куба Бирлашган революцион ташкилотларининг вакили Корея Меҳнат партиясининг 4-съездини самимий табрикладилар.

ЛИБЕРИЯДА АҲВОЛ

ЛОНДОН, 13 сентябрь. (ТАСС). Либерия президенти Уильям Табмэн ишчилар ўртасидаги ғалаёнларни тугатиш учун ўзига кенг миқёсда фавқулодда ваколатлар берилишини сўраб, кеча парламентга мурожаат қилди. Рейтер агентлигининг хабар беришича. «ғайри қонуний забастовкаларга даъват этиш»да гумон қилинган шахсларни қамоққа олиш ҳуқуқи ана шу ваколатлар қаторига киради. Президент ўзига бундай ваколатларни 12 ой муддатга берилишини сўрайди.

НАТО МАНЕВРЛАРИ

КОПЕНГАГЕН, 13 сентябрь. (ТАСС). Дания газеталари Шимолий Европа районида кеча НАТО ҳарбий-ҳаво кучларининг «Чекмейт I» деган шартли ном остидаги маневрлари бошланганлигини хабар қилдилар.

«Берлингске тиденде» газетаси НАТО ҳарбий-ҳаво кучларининг бу маневрлари 4 кун давом этади ҳамда Дания, Норвегия ва Атлантик океанининг шарқий қисмидан иборат районни ўз ичига олади, деб таъкидлайди.

Кўп тираж билан

МОНТЕВИДЕО, 13 сентябрь. (ТАСС). «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проекти» бу ерда испан тилида кўп нусхада брошюра қилиб чиқарилди.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ЎРТАСИДА КИТОБЛАР АЙИРБОШЛАШ

12-14 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган традицион улгуржи ярмарка — китоблар виставкасига ўттиз минг номдан ортиқ китоб қўйилган эди. Ярмаркада Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги олтмишдан ортиқ китоб савдоси ташкилотлари қатнашди.

Ярмарка Дзержинский номли Маданият саройининг катта залида ўтди. Партия XXII съездига бағишланган китоблар виставкаси ярмарка қатнашчиларининг эътиборини ўзига тортди. Томошабинларга қулайлик туғдириш учун ярмаркада консультация столи ташкил қилиниб, у, виставкага қўйилган адабиётлар ҳақидаги ахборот материаллари билан таъминланди.

Ярмарка китоб фондларини яхшироқ, тўлароқ жойлаштиришга кўмаклашди, қардош республикалар ўртасида китоб савдоси алоқаларини янада кенгайтиришга ёрдам берди. Техника, қишлоқ хўжалиги, медицина ва билимнинг бошқа соҳаларига доир турли маълумотномаларга талаб катта экани аниқланди. Ярмарка-виставка қатнашчилари нашриётларнинг 1962 йилги тематик планлари билан танишдилар. (ЎзТАГ).

МЕДИКЛАР ФОРУМИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ РЕСПУБЛИКА БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

ФАРҒОНА, 13 сентябрь. (ЎзТАГ). Медиклар халқаро форумининг қатнашчиларидан бир группаси Фарғона областига келган куннинг эртасига болалар ва қишлоқ аҳолиси орасида даволаш-профилактика ишларининг ташкил этилиши билан танишди. Вьетнам Демократик Республикаси, Камбоджа, Мўғулистон Халқ Республикасидан келган меҳмонлар Олой тоғи этакларига жойлашган «Водил» болалар санаторийсини бориб кўрдилар.

Чет эл олимлари ва врачлари Охунбобоев районининг «Фарғона» колхозида қишлоқ меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатиш қандай ташкил қилинганлиги билан танишдилар. Фарғона область касалхонасини ва Ленин номидаги мактаб-интернатни бориб кўрдилар.

• • •

АНДИЖОН, 13 сентябрь. (ЎзТАГ). Медиклар халқаро форумининг қатнашчиларини Андижон меҳмондўстлик билан кутиб олди. Форум делегатлари ўз бағрида 2000 га яқин студентни тарбиялаётган Андижон медицина институти билан қизиқиб танишдилар. Иссиқ иқлим шароитидаги касалликлар билан курашиш соҳасида Андижон медицина институтида катта илмий ишлар олиб борилмоқда. Институт ректори Усмон Алимов институт иқлими иссиқ мамлакатларга хос бўлган касалликлар билан курашишнинг илмий проблемаларини ишлаб чиқаётганлигини айтди.

Форум қатнашчилари Андижондаги бошқа даволаш муассасалари ва илмий муассасалар билан ҳам танишмоқдалар.

Физкультура ва СПОРТ

МЎҒУЛИСТОН—ЎЗБЕКИСТОН

Ўтган куни округ офицерлар уйининг спорт майдонида Мўғулистон-Ўзбекистон волейболчиларининг халқаро ўртоқлик учрашувини қизлар командаси бошлаб бердилар. Республикамиз спорт шарафини электролампа заводининг «Меҳнат» командаси ҳимоя қилди.

Командалар гулдурос қарсаклар остида майдонга тушадилар. Значок ва спорт вимпеллари алмашадилар. Майдон эгалари меҳмонларга гулдаста тақдим этадилар.

Ўйин бошланиши билан ҳисобни ўзбекистонликлар очадилар ва улар олдинда борадилар. Ташаббус ўйин бошидан то охиригача бизнинг томонда бўлди. Меҳмонларимиз умумий 0:3 (7:15, 5:15, 12:15) ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам уларнинг чиройли ўйини, пухта комбинацияси томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Қизлар учрашуви тугагандан сўнг майдонга Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг командаси ва Мўғулистон терма командаси тушади. Ҳисобни майдон эгалари очадилар. Бироқ, орадан озгина вақт ўтиши билан меҳмонларимиз 3:7 ҳисобида ютқизиб турганлари ҳолда ҳисобни тенглаштирибгина қолмай, балки олдинга ўтиб оладилар. Команда ўйинчиларидан Чава, Дембоцурян, Хачва, Элдаш, Элчи, Бавшинашларининг актив ўйнаши натижасида меҳмонларимиз биринчи партияни 15:9 ҳисоби билан ўз фойдаларига якунлайдилар.

Бироқ, кейинги партияларда меҳмонлар кўтаринки руҳда ўйнай олмайдилар.

Капаев, Караулов, Левинларнинг аниқ зарбаси командамизга кетма-кет очколар келтирди. Кейинги уч партияда Ўзбекистон волейболчилари 15:10, 15:13, 15:11 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Учрашувнинг умумий ҳисоби бизнинг фойдамизга 3:1.

Кеча Мўғулистон Халқ Республикаси командасига қарши республикамиз спорт шарафини ФИСК қизлар командаси ва АСК эркаклар командаси ҳимоя қилди.

Республикамиз қизлари бу учрашувда ҳам ғолиб чиқдилар.

АСК командаси меҳмонларимизнинг қаттиқ кўрсатган қаршилигини енгиб, ғалаба қозондилар.

Мўғулистон ва Ўзбекистон волейболчиларининг ўртоқлик учрашуви дўстона вазиятда ўтди.

Шароф УМРЗОҚОВ.

◆

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар советининг ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига билдирадики, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг учинчи сессияси 20 сентябрь соат 16 да округ офицерлар уйида очилади. Сессия кун тартибига шаҳарда умумий овқатланишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳамда уй-жой тақсимлаш ва унинг ҳисоботини йўлга қўйиш чоралари тўғрисидаги масалалар киритилган.

TAНҚИД ВА ТАҚРИЗ

ҲУВАЙДО—ХАЛҚ ДИЛИДА

Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти XVIII асрда яшаб-ижод этган ўзбек шоири Ҳувайдонинг танланган шеърларини нашр этди[1]. Бу тўплам кичик, аммо у ўзбек классик адабиётини ўрганиш ва уни кенг китобхонлар оммасига таништиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Илгари Ҳувайдо ижодига ижтимоий ҳаётда фақат реакцион роль ўйнаган қаламкаш сифатида қараб келинарди. Бу фикрни баъзи адабиётшунос танқидчилар таъкидлаганлар. Чунончи, филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳомидий ўзининг «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» ҳақида деган мақоласида, филология фанлари кандидати Н. М. Маллаев ўрта мактабнинг VIII синфи учун ёзган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида шоир ижодига шундай бир томонлама баҳо берган.

Тўпламга сўз боши ёзган фалсафа фанлари доктори, профессор Воҳид Зоҳидов ва филология фанлари кандидати Суйима Ғаниева ўртоқлар эса шоир ижодини ҳар томонлама таҳлил этиш билан объектив хулосага келадилар: Ҳувайдонинг жаннат ва ундаги ҳурларни, ҳавзи кавсарларни инкор этувчи, буларнинг ҳаммасидан реал ёр висолини юқори қўювчи асарлари ҳам мавжуддир.

Сабо еткур саломимни
қади сарви равонимға,
Қаро кўзлук, қаро кокул
ўшал ширин забонимға.

Ҳувайдо инсон ишқини улуғлайди. Гўзал, ширин сўз оқил ёр — ҳаёт йўлдошини истайди. Севимли дилбарнинг вафоли бўлиши, ҳаётни қадрлаш инсонгагина хос улуғ фазилат эканлигини уқтиради:

Бевафо ёрға кўнгул
берган киши одам эмас,
Меҳнату жавру жафо
андин замони ҳам эмас,

Бошим жанжал-машаққатда ўтмасин, кўнгил тинч бўлсин деган киши дуч келган маҳбубга, ўйламай - нетмай, унинг фикрини билмай муҳаббат изҳор этмаслиги керак, бинобарин, синамаган севимлига ёки севилгучига юракни очиш маъқул эмас.

Рози дилни айтмағил ҳар
кимни сан маҳрам билиб,
Бўлмаса аҳли муҳаббат
дардиға маҳрам эмас.

Мазкур мисралар сўз боши авторлари илгари сурган баҳонинг нечоғлик фактик асосга эга эканлигини кўрсатувчи кўплаб намуналардан биридир.

Нашрга тайёрловчилар китобга Ҳувайдонинг шу руҳдаги назмидан намуналар киритиб шоир ижодида ҳар ҳолда реал инсоний ҳиссиётларни тараннум қилиш устун турганлигини таъкидлайди.

Улуғ пролетариат доҳийси В. И. Ленин, жамиятда яшаб туриб, жамиятдан озод юриш мумкин эмас, деб ёзган эди. Шу нуқтаи назардан қаралса, «Шоир ўз даврининг қатор чиркинликларини фош қилади ҳоким доира ва имтиёзли табақа аҳлларининг қабиҳлик ва разилликларини, очкўзлик ва алдамчиликларини, инсон номига иснод келтирадиган ишлар билан машғул бўлишларини, олтинни инсондан юқори қўйишларини бир неча масалаларда очади ва танқид қилади». Адолатсизлик ва ноҳақлик, очлик ва яланғочлик ҳоким бўлган, меҳнаткаш омманинг яшаши учун шароитдан номнишон кўринмаган бир даврда золим фалакнинг зулмидан фарёд чекади:

Боқсам бу жаҳонда
ҳамада дарду алам бор,
Ҳар одамининг кўнглида
бир зайлда ғам бор.
Дунёда Ҳувайдо нафаси
урмади шоди,
Ҳайҳот, анинг бағрида
кўб ҳори ситам бор.

Бироқ бу — Ҳувайдо ижоди зиддиятсиз, қарама-қаршилик йўқ деган сўз эмас, албатта. Шоир ўз замонасининг фарзанди сифатида — мураккаб, зиддиятли шароит тақозоси билан гоҳ мистикага берилади, гоҳ ерга мафтун бўлади. Шунинг учун ҳам Ҳувайдо ижодини ва ҳаётини ўрганиш йўлида бошланган бу иш давом эттирилиши, унинг халқ дилидан мустаҳкам ўрин олган содда, мазмундор, жўшқин асарларини кенг ўрганиш, таҳлил этиш адабиётшуносларимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Расул РАҲМОНОВ.

---

[1] «Ҳувайдо». Танланган шеърлар. Тошкент, 1961 йил. Нашрга тайёрловчи Воҳид Зоҳидов ва Суйима Ғаниева.

УЗУМДАН МЎЛ ҲОСИЛ

1- «Булунғур» боғдорчилик ва узумчилик совхозида узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Бу йил чарос, оқ кишмиш, қора кишмиш ва даройи навларининг ҳосили айниқса мўл бўлди. Шу кунгача Сибирь шаҳарлари, шунингдек, Ленинград ва Москва меҳнаткашлари учун 180 тоннадан ортиқ юқори сифатли узум юборилди.

Совхознинг 1-бўлимига қарашли С. Кўчиев бошлиқ бригада ишчилари шу кунларда коммунистик меҳнат зарбдорлари деган шарафли номга сазовор бўлиш учун ғайратга ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Бригада аъзолари КПСС XXII съезди шарафига пландан зиёд 200 тонна узум топшириш мажбуриятини олдилар. Меҳнат зарбдорлари ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

З. БУРХОНОВ,

Самарқанд область, Булунғур райони.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 СЕНТЯБРДА

18.00 — **Спорт эшиттириши**, 19.45 — **Коммунизм қуриш программаси** (ўзбек тилида лекция), 20.05 — **Буюк поход номли хитой бадиий фильми**, 21.45 — **Телевизион янгиликлар**, 22.05 — **Музика календари** (рус тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IX да **Боғчасарой фонтани**, 16/IX-да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 15/IX да **Гамлет**, 16/IX да **Айтсам тилим куйди, айтмасам дилим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 16/IX да **Ошиқ Ғариб.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Ян Пишчикнинг олти хил турланиши — «ВАТАН», «ИСКРА» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-20 ва 3-10 минутда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Вафодорлик синови —«МИР» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 8 да).

Биринчи синовлар (1 ва 2-серия)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да), «МИР» (2-серия, кундуз ва кечқурун)

Раис — марказий ҳужумчи (кундуз ва кечқурун), **Мяннард оиласи** (эрталаб соат 10, кеч 6 ва 10 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Биримиз — «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Дилларда баҳор — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Эҳтирослар кўрфази — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечқурун). **Инсон тақдири** (кеч соат 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Волга-Волга — «ВАТАН», «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Очилган қўриқ (3-серия) — «ОКТЯБРЬ».

Мяннард оиласи — «ВАТАН», «ХЕВА», ТЕЛЬМАН номли.

Биринчи синовлар (1 ва 2-серия)— НАВОИЙ номли, «РАКЕТА».

Онлахома (1 ва 2- серия) — Фестиваль».

Углим уйланиши керак (кеч соат 8-15 минутда), **Айна** (кеч 10 да) — КАФАНОВ номли.

Хавфли рейс — СТЕПАН РАЗИН номли.

Украин рапсодияси — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 9-45 минутда).

Волга-Волга (кеч соат 8 да), **Раис— марказий ҳужумчи** (кеч 9-45 минутда) — ПУШКИН номли.

Биримиз — «УДАРНИК», «САЛЮТ».

Уч қават бахт — «ПОБЕДА».

Яширин жаннат — «ШАРҚ».

ПАХТА САНОАТИ МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

техник нормалаш секторининг штатли раҳбари вазифасида ишлаш учун

қўшимча

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс шартлари «Правда Востока» газетасининг 1961 йил 26 август сонидан кўрилсин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

(ёзги бино)

15 сентябрда

КАТТА КОНЦЕРТ

Кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1961 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА ЛЕНИНГРАД ШАҲРИДА

3% ЛИ

ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ

83- АСОСИЙ ВА 14- ҚЎШИМЧА

ЮТУҚ ТИРАЖЛАРИ

БЎЛАДИ

Асосий тиражларда заём облигацияларига 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар, қўшимча тиражда бундан ташқари 10.000 сўмлик ютуқлар ҳам ўйналади.

Заём облигациялари омонат кассаларида сотилади ва сотиб олинади.

3% ли Давлат ички ютуқ заёми облигацияларини сотиб олингиз!

Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

ПАХТА САНОАТИ МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ (ЦНИИХПром)

қуйидаги штатли вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Автоматика, линтерлаш, механизациялаш ва пахтани синаш лабораторияларининг раҳбарлари.

Физика ва стандартлаш секторларининг раҳбарлари.

Тозалаш ва жинлаш лабораторияси, техник нормалаш сектори приборлар лабораториясининг старший илмий ходимлари.

Конкурс муддати—26/X гача.

Ариза билан конкурс низомида кўрсатилган ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй. Телефон 50-607, 50-745.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780 Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524 Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри
Р 01712. Нашр. Б. 217.